



01

2020

VETERINARIYA MEDITSINASI



революцияларын Дöвлет аралыгыг томондан озгон
кылымдан "Зардор 20 кылым" кендире жойларда кыстаккан
белен указылганда да бу кы муштагыс кылар жаламасын
кылышына дин кызымат кылымда



Таҳрир ҳайъати раиси

Б. Сайиткулов – в.ф.н.

Таҳрир ҳайъати:

Ж.Азимов – академик

Б.Норқобилов – *Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш Давлат қўмитаси раиси*

Х. Юнусов – СамВМИ ректори

А.Орипов – профессор

Ҳ.Салимов – профессор

Б.Салимов – профессор

А.Даминов – профессор

Р.Давлатов – профессор

Қ.Норбоев – профессор

А.Қахаров – профессор

Б.Нарзиев – в.ф.н., доцент

Ш.Джаббаров – в.ф.д.

Н.Йўлдошев – в.ф.д.

Х.Ниёзов – в.ф.д.

Н.Дилмуродов – профессор

Х.Бозоров – в.ф.н., доцент

Ғ.Менглиев – в.ф.н.

**Бош муҳаррир вазифасини
бажарувчи:**

Абдунаби АЛИҚУЛОВ

Муҳаррир:

Ғайрат Менглиев

Гулсара САЙИТҚУЛОВА

Дизайнер:

Ҳусан САФАРАЛИЕВ

2007 йил сентябрдан чоп этилмоқда

Лойиҳа ташаббускори ва раҳбари:

Ўзбекистон Республикаси

Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш Давлат қўмитаси**Муассислар:**

Ўзбекистон Республикаси

Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш Давлат қўмитаси,
«AGROZOOVETSERVIS»
масъулияти чекланган жамиятиЎзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида 2018 йил 2 февралда
0284-рақам билан рўйхатга олинганМанзил: 100070, Тошкент шаҳри,
Усмон Носир, 22 А/Я: 5628.Таҳририят манзили: 100022, Тошкент
шаҳри, Қушбеги кўчаси, 22-уй
Тел.: 99 831-61-33; 93 515-84-80

E-mail: zooveterinariya@mail.ru

Адади 4260.

Нашр индекси: 1162

Босишга рухсат этилди: 26.02.2020.

Бичими 60x84¹/₈. Офсет усулида чоп
этилди. 4,25 б.т. Буюртма № .

Баҳоси келишилган нархда.

© Veterinariya meditsinasi, #02 (147) 2020

“SIFAT XIZMAT MEDIA” МЧЖ

босмахонасида чоп этилди.

100000, Олой кўчаси, 1-уй.

Жараён“Зарбдор 70 кунлик” ветеринария осойишталиги
тадбири давом этмоқда.....3**Бугуннинг нафаси**

А.Алиқулов – Масъулиятли бўлиш – ҳаловатдан кечмоқ демаск .. 4

Долзарб мавзуЖ.Турсагатов – Ветеринария мутахассислари, техник
осеменатор ва чорвадорларнинг малакаси оширилмоқда.....8**Анатомия, морфология, физиология**Н.Дилмуродов ва бошқ. – Турли кроссларга мансуб
товуқлар оёқ суякларининг морфометрик хусусиятлари10**Паразитар касалликлар**А.О.Орипов ва бошқ. – Янги синтез қилинган 2-ацетиламино-
бензимидазолнинг антигельминт фаоллиги13А.Каниязов ва бошқ. – Қорақалпоғистон шароитида отларнинг
setaria equina (abildgaard, 1789) нематодаси билан зарарланиш
динамикаси15Б.Сайиткулов – Система мер борьбы с инвазионными
болезнями животных18**Жаррохлик**А. Ғ. Жабборов ва бошқ. – Сут беги ўсмаси билан касалланган
итларнинг клиник-физиологик кўрсаткичлари20Х.Б.Ниязов и др. – Профилактика асептических воспалений
суставовконечностей у спортивных лошадей23**Фармокология ва токсикология**Ф.Қурбонов ва бошқ. – Монезол препаратини балиқларнинг
цестодозларига қарши самарадорлиги26Қ.М. Бахритдинов, Р.М. Таштемиров – Итлардаги
травматик дерматитни қончўп малҳами ва аутогемотерапия
усули билан даволаш натижалари29**Ветеринария-санитария экспертизаси**А.М.Умаров, Ю.Салимов – Зарарли чиқиндилар таъсирида
бўлган йирик шохли моллар қонининг биохимиявий ва
иммунологик кўрсаткичлари31**Тажриба алмашув**Ғ.Менглиев ва бошқ. – Ҳамкорлик алоқалари йўлга
қўйилмоқда33

Сардорбек – Чорвадорларнинг яқин дўсти35

Р.Чориев – Барчага ўрнатилган мутахассис35

Chairman of Editorial Board:

B.Sayitkulov - doctor of veterinary

Editorial board:

J.Azimov - academic

B.Norqobilov – State Committee of
Veterinary and Livestock
development of the
Republic of Uzbekistan

X. Yunusov – Rector of SamIVM

A.Oripov – professor

X.Salimov – professor

B.Salimov – professor

A.Daminov – professor

R.Davlatov – professor

Q.Norboev – professor

A.Kakharov – professor

B.Narziev – doctor of veterinary

Sh.Djabbarov – doctor of veterinary

N.Yuldoshev – doctor of veterinary

X.Niyozov – doctor of veterinary

N.Dilmurodov – professor

X.Bozorov – doctor of veterinary

G.Mengliev – doctor of veterinary

Acting Chief Editor:

Abdunabi ALIKULOV

Editors:

Gayrat MENGLIYEV

Gulsara SAIDKULOVA

Designer:

Husan SAFARALIYEV

Published since September 2007

Initiator and leader of the project:

State Committee of Veterinary and
Livestock development of the Republic of
Uzbekistan

Founders:

State Committee of Veterinary and Live-
stock development of the
Republic of Uzbekistan,
«AGROZOOVETSERVIS» Co., Ltd.

**Registered in Uzbekistan Press and
News agency by 0284**

Address: po/box: 5628, 22, Usmon Nosir,

Tashkent, 100070. Editorial address: 4,

Kushbegi, 22

Tashkent, 100022

Tel.: **99** 831-61-33; **93** 515-84-80

Web-site: www.vetjurnal.uz

E-mail: zooveterinariya@mail.ru

circulation: 4260

Index: 1162

Permitted for print: 26.02.2020. Format
60x84 1/8 Printed by Offset printing 4,25
press works Order #414 Free price.

© «Veterinariya meditsinasi», #02 (147) 2020

Printed by “Sifat xizmat media”
Co., Ltd., Tashkent city.
1, Oloy str.

Challenging theme

J. Tursagatov – Advanced training of Veterinary specialists,
technician osemators and cattle breeders 8

Anatomy-morphology-physiology

N. Dilmurodov and others – Morphometric properties
of chicken leg bones belonging to different crosses 10

Parasitic diseases

A.O. Aripov and others – anthelmintic activity of newly
synthesized 2-acetylamino-anthelmintic of benzimidazole 13

A. Kaniyazov and others - Dynamics of Horses Infected
with Setaria equine nematodes in Karakalpakstan
(abildgaard, 1789) 15

B. Sayitkulov – System of measures to combat invasive
animal diseases 18

Surgery

A.G.Jabborov and others – Clinical and physiological indicators
of dogs infected with breast cancer 20

Kh.B. Niyazov and others – Prevention of aseptic inflammation
of the joints of the limbs in sports horses 23

Pharmacology-moxicology

F.Kurbanov and others – Efficacy of monezol against
fish cestodoses 26

K.M. Bakhritdinov, R.M. Tashtemirov – Treatment results
of traumatic dermatitis ointment and autogemotherapy in dogs 29

Veterinary and sanitary examination

A.M Umarov, Yu.Salimov – Biochemical and immunological
indicators of blood of cattle under the influence of
harmful waste 31

Exchange of experience

G. Mengliev and others – Partnership relations are
being regulated 33

“ЗАРБДОР 70 КУНЛИК” ВЕТЕРИНАРИЯ ОСОЙИШТАЛИГИ ТАДБИРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан Республикамиз бўйлаб нега бундай сафарбарлик ташкил этилди? Чунки, Халқаро ҳайвонлар соғлиғини ҳимоя қилиш ташкилоти маълумотига кўра, 2019 йилда жаҳонда ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликлари бўйича нохуш вазиятлар юзага келган.

24 та давлатда 28 ҳолатда оксил, 19 та давлатда 2423 ҳолатда чўчка ўлати, 14 та давлатда 61 ҳолатда нодуляр дерматит, 12 та давлатда 14 ҳолатда қўй-эчки чечаги, 1 та давлатда 7 ҳолатда майда моллар ўлати, 15 та давлатда 97 ҳолатда юқори патогенли парранда гриппи, 23 та давлатда 30 та ҳолатда паррандаларнинг ньюкасл, 12 та давлатда 15 та ҳолатда туберкулёз ва бошқа тур касалликлар аниқланган.

Шунингдек, чегарадош Россия ва Қозоғистонда оксил, майда шохли молларнинг чечак, куйдирги, парранда гриппи ва нодуляр дерматит касалликлари қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасининг “Ветеринария тўғрисида”ги қонунига кўра, республика ҳудудини ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш, республика ҳудудида ветеринария осойишталигини таъминлаш ва аҳоли истеъмоли учун сифатли чорвачилик маҳсулотларини етказиб бериш Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

2019 йил давомида ҳайвонларнинг ўта хавфли юқумли касалликларга қарши профилактик тадбирларнинг ўз вақтида амалга оширилиши натижасида юртимизда ўта хавфли юқумли касалликларнинг келиб чиқиши ва четдан кириб келишининг олди олинди. Ветеринария осойишталиги таъминланди.

2020 йил ҳайвонларда юқумли касалликларнинг пайдо бўлиш хавфини пасайтириш мақсадида чорва молларининг 34,0 миллион бошини 11 турдаги ва паррандаларнинг 83 миллион бошини 4 турдаги юқумли касалликларга қарши профилактик эмлаш ва диагностик текшириш тадбирлари амалга оширилиши белгиланган.

Ҳайвонларни касалликларга қарши профилактик эмлаш ишлари эпизоотик вазиятдан келиб чиқиб, мавсумий олиб борилади.

Шу боис, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан чорванинг куйдирги, қутуриш, бруцеллёз, нодуляр дерматит, оксил ва бошқа турдаги касалликларга чалинишининг олдини олиш ва юқумли касалликлардан ҳимоя қилиш учун профилактик тадбирларни си-



фатли ва самарали ташкил этиш бўйича “Зарбдор 70 кунлик” тадбири ўтказилмоқда.

Профилактик эмлаш ишларини ўтказиш учун республика бўйича 1129 та ишчи гуруҳ тузилиб, уларга 4194 нафар ветеринария ходими ҳамда илмий-тадқиқот институтлари олимлари жалб қилинган.

Ишчи гуруҳ томонидан профилактик тадбирлардан ташқари, аҳоли ва чорвачилик субъектларида ҳайвонларнинг ўта хавфли касалликларининг келиб чиқиши, оқибатлари, олдини олиш, қарши курашиш бўйича тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, аҳоли истеъмоли учун етиштирилган маҳсулотларнинг хавфсизлигини таъминлашда деҳқон бозорлари ва савдо расталарига келтирилган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари бўйича текшириш ишлари самарасини янада ошириш мақсадида ветеринария-санитария экспертиза лабораторияларини замонавий тезкор усулда текширадиган жиҳозлар билан таъминлаш ишлари ҳам йўлга қўйилган.

*Ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш давлат қўмитаси
Ахборот хизмати*

МАСЪУЛИЯТЛИ БЎЛИШ – ҲАЛОВАТДАН КЕЧМОҚ ДЕМАК

*Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш
Давлат қўмитаси томонидан эълон қилинган “Зарбдор 70 кунлик” тадбири жой-
ларда уюшқоқлик билан ўтказилмоқда ва қуйида ана шу ҳақда ҳикоя қиламиз.*

Сирдарё вилояти. Кўпни кўрган, зукко кишиларнинг шундай гапи бор: “Бир бош дайди ит ё эътибордан четда қолган касал ҳайвон дунёни бузади, бир олам ташвиш келтиради”. Қутуриш, куйдирги ва бошқа офатларнинг Хитой короновируси сингари ваҳимасини ёдга олсак чорвани, уй ҳайвонларини турли касалликлардан асраш, эмлаш ишларини тезкорлик билан сифатли ташкил этишни ўз ичига олган “Зарбдор 70 кунлик”нинг жамиятимиз фаровонлигини, осойишталигини таъминлашда нечоғлик муҳим эканлигини яққол англайсиз. Бугун Сирдарё вилоятида ҳам шу долзарб масалага жиддий эътибор қаратилган. Барча туманларда ветврачлару ташхис марказлари мутахассислари ёнларига шогирдларини йўлдош қилиб, кишлоққа кишлоқ хонадонма хонадон юриб эпизотик тадбирларни намунали ташкил этишга интилишмоқда. Масалан, Гулистон шаҳрида.



-Шаҳримиздаги барча маҳалла фаоллари билан доимий ҳамкорликда итлару мушукларни эмлаб чиқяпмиз. Бу ишга барча мутахассисларимиз қатори амалиётга келган талабалар ҳам жалб этилган, - дейди шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Ғофир Суннатов. - Бу борада маҳаллий газета ва журналларда, телерадио каналларида махсус чиқишлар қилиб тушунтириш ишларини олиб борапмиз. Чунки устозлар айтганидек касалликни даволагандан кўра, унинг олдини олган афзал. Мана бу итга эмламани қилган Ботир Жамолов ёш мутахассисларимиздан, СамВМИда биринчи курсда сиртдан ўқияпти. Тиришқоқлиги боис бошқаларга ибрат бўлиб ишлаяпти.

Фарғона вилояти. “Конизар” ветучастка мудири Адҳамжон Маҳмудовнинг институтни тугатиб, ўзи туғилиб ўсган кишлоқда ветврач сифатида иш бошлаган



нига ўттиз йилдан ошди. Ўтган давр оралиғида у туман ветеринария бўлими бошлиғининг ўринбосари бўлиб ҳам ишлади, ўнлаб ёшларга устозлик қилиб, элнинг чорвасини кўпайтиришга муносиб ҳисса қўшди. Билимдон осеминатор сифатида сигир ва ғунажинларни сунъий уруғлантириш орқали аҳоли ўртасида ҳурмат қозонди. Айни пайтда у шогирди Ўлмасжон Назиров билан хонадонма хонадон юриб ҳайвонларни юқумли касалликларга қарши эмлаб чиқмоқда.

-Ветврачлик доимий изланишни, хушёрликни талаб этади. Айтайлик, кимдир моли касал бўлдию сизга ёрдам сўраб кўнғироқ қилди. Ана шунда тундами ё кундузми фарқи йўқ, боролмай қолинг, у сиздан албатта хафа бўлади, - дейди Адҳамжон ака. - Шу боис элнинг хизматида бўлган киши йўқ, деган сўзни билмаслиги керак. Айтишдими, ё ўзинг, ё шогирдинг ўша жойга борса, чорвадорга кўмаклашса, ҳурмат ошаверади. Яхши ветврач бўлишнинг сири ана шунда. Бундан ташқари агар ветврачнинг ўзи ҳам чорва боқиб бошқаларга ибрат бўлса бу янада қувончли ҳолатдир. Масалан, бизни бошлиғимизнинг ўзи ҳовлисида 25 бошдан ортиқ сигир парвариш қилмоқда.

Бу гапни эшитгач, туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғининг чорвасини кўргимиз келди. Унча катта бўлмаган ҳовли, бир томони боғ, яна бир томони дид билан ўзига хос меъморий ечимда қурилган уй. Уй билан чорва боқиладиган жойни баланд девор тўсиб турибди.

- Сигир хонадонга том маънода барака келтиради, фарзандларни меҳнаткашлик руҳида тарбиялашда ҳам чорванинг ўрни бўлакча, - дейди Низомжон Абдуллаев. - Отам эл назарига тушган инсон эдилар. Болам, рискнингни ҳалол меҳнат билан топ. Ишинг юришиб кетса ҳам, лавозимга минсанг ҳам чорва боқ, сигирни кўпайтир, дегувчи эдилар. Шунга амал қилиб дастлаб

икки бош мол боқдик, ғунажинларни ўзимиз сунъий уруғлантirikдик, бузоқлар кўпайди. Сўнг чорвани кўпроқ сут берадиганидан олдик. Шу тариқа чорвадорга айландик, қолдик. Мана шу кичик фермамиз туфайли ўзим қатори икки ўғлимнинг оиласи ҳам тўкин ўтаяпти. Ҳар тонг ишга кетар чоғ жониворларга бир назар ташлаб қўяман, суви, емиши берилганми, суриштираман. Кечкурун тагин сўрайман. Бу ўзимга ҳам ёқади. Айни пайтда қишлоқларда юриб туман бўйича қўмитамиз раҳбари берган топшириққа кўра, эпизоотик тадбирларни намунали ташкил этишга интиляпмиз. Бирор киши мол боқиш осон эмас, қийинлашиб кетаяпти, деб қолса, маслаҳат бераман, ишонмасангиз бизникига ўтинг, кўрасиз, дейман. Шу гапни айтаману ич-ичимдан қувонаман. Назаримда оиламиз давлатимиз раҳбарининг чорвачиликни ривожлантириш борасидаги ташаббуслари, даъватларига амалий ишимиз билан “лаббай”, дея жавоб бераёпмиз.

Тумандаги “Ўрмонобод” фермер хўжалиги раҳбари Муроджон Отажоновнинг ихтиёрида 250 бошдан ортик зотдор қорамоллар мавжуд. Фермер жами 102 гектар ернинг 27 гектарида озуқа экинлари етиштирмоқда. Деҳқончилик борасида катта тажрибага эга бўлгани боис Муроджон ака ҳар йили пахтаю ғалла қатори озуқа экинларидан ҳам юқори ҳосил кўтариб келади. Шу боис қишлоқ маҳали фермада озуқа тақчиллиги сезилмайди. Шунингдек 75 кишидан иборат бўлган мазкур жамоада ҳар бир киши ўз вазифасини сидқидилдан бажаради ва шунга яраша манфаат топади.



– Имкониятларимизни чамалаб, чорвани янада кўпайтириш ниятида ўтган йил хориждан зотдор ғунажинлар олиб келишни кўзлаб Халк банкига мурожаат қилган эдик. Хужжатларни олиб-югуриб тайёрладик, энди эса банкда русурс йўқ дейишмоқда. Тавба, дедик. Пул етишмаса, нега телевизорга чиқволишиб реклама беришди. Қолаверса банк берадиган кредитнинг фоизи ҳам жуда баланд. Хуллас беш ойдирик, банкдан кредит ололмапмиз. Шу боис зотдор ғунажинлар олиб келиш ва чорвани янада кўпайтириш борасидаги орзуларимиз осмонда осилиб турибди, дейди Муроджон ака. – Ветеринария хизматининг сифатига келсак ёмон эмас. Эмлаш ишлари ўз вақтида бажарилмоқда, бу борада ёрдам сўрасак беришаяпти. Раҳмат. Менимча чорвадор бўлган кишининг ўзи ҳам

ветеринария бўйича етарли маълумотга эга бўлиши керак. Ана шунда у адашмайди.

Самарқанд вилояти. Тойлоқ туманида бўлганда мутахассислар кўмагида кечагина 50 бошдан ортик қорамолларини хавфли касалликларга қарши эмлатган ва яна хориждан 33 бош зотдор қорамоллар келтиришни кўзлаётган “Тонг нурлари Янгиобод” фермер хўжалиги раҳбари Ўктам Сиддиқов билан гурунглашдик. Унинг эътироф этишича, қийинчилик барча соҳада бор, фақат уни енгиш керак. Дангаса одам кўрқоққа ўхшайди, унга муаммо ё камчилик дегани кўша кўринади ва ташаббусини буғиб қўяди.



– Тадбиркормисиз, дадил бўлинг, сизга яхшилик соғинадиган кишиларнинг гапига кулоқ тутинг, ана шунда адашмаймиз. Тойлоқда биз чорвадорларни туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Рустам Ҳайдаров доимо кўллаб-қувватлаб келган. Зотдор мол олиб боқишга ҳам у мени даъват қилган эди. Мана, шунга ҳам 15 йилдан ошаяпти. Ихтиёримда 19 гектар ер бор, бир қисмига ғалла экканман, қолганида озуқа экинлари етиштиряпман, дейди Ўктам Сиддиқов. – Албатта эртага зотдор қорамолларни хориждан олиб келсак, яна Рустам Ҳайдаровга ва унинг шогирдларига мурожаат қиламиз. Чунки тажрибали ветврачнинг жўяли маслаҳатисиз зотдор молни касалликка чалинтирмасдан боқиб бўлмайди. Бугун Тойлоқда “Зарбдор 70 кунлик” доирасида эмлаш ишларида фаоллик кўрсатаётган мутахассислару зотдор мол боқётган ва ўзини ҳақиқий чорвадор, деб билган кишиларнинг барчаси мен айтган гапни такрорлайди.

Жиззах вилояти. Тажрибали мутахассислар Шукрулло Орипов, Собир Уматов, Улуғбек Маҳмудовлар ҳар куни жуда эрта туриб ишга отланмоқда. Чунки Шароф Рашидов туманидаги кўпчилик чорвадорлар жониворларни ҳаво илий бошлагач, далага ҳайдаб кетишади. Киш ҳавоси, қуёш тез ботади. Бундай кезларда эрта турмоқ ва хонадонларда бўлиб кўпроқ жониворларни кўздан кечирмоқ ва эмлаш жуда зарур. Бусиз “Зарбдор 70 кунлик” доирасидаги республика Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси райси томонидан белгилаб берилган топшириқларни бажариш қийин. Тажрибали ветврач, Шароф Рашидов номли туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими раҳбари



Мавлон Бегматов эса қишлоқларда, маҳаллаларда бўлиб одамлар билан кўпроқ суҳбатлашишга ҳаракат қилмоқда. Эътиборли жиҳати шундаки, эпизотик тадбирларни отрядларга бириккан ҳолда бажариш ёш мутахассислар малакасини оширишга ҳам хизмат қилмоқда. Масалан, участка ветврачи Шукрулло Орипов тумандаги “Янги ҳаёт” маҳалласига жавобгар. У ёнига икки нафар шогирдини олиб ишляпти. Ветврач ҳам ишлаб, ҳам ўргатапти. Итлару мушукларини, қўй- қўзиларини эмлатган, сигирини даволатган Тўракул Махмудов, Илҳом Эгамов сингари хонадон соҳиблари ветеринария хизматида раҳмат айтинг, бу гапимизни журналда ёзинг, дейишди. “Бундан икки ойлар олдин Шукрулло ўз вақтида чорасини кўрмаганда сигирим туғолмасдан ўлиб қоларди,” дейди Илҳом ака.

- Туманимиз Жиззах вилоятини ҳар томондан ўраб туради ва чорва бош сони сезиларли даражада ошиб бормоқда. Масалан, йирик шохли қорамоллар 77 минг бошдан, майда шохли ҳайвонлар 209 минг бошдан ортиқ. Бундан ташқари 120 бошдан ортиқ эшак, 3 минг бошдан ортиқ йилқилар ҳам мавжуд. Итлару паррандаларни айтиб ўтирмай. Улар ҳам оз эмас, кўпайиб бормоқда. Бўлимда эса 19та штат бор, баъзилар ярим штат бирлигида бўлгани боис жамоамиз 23 кишидан иборат. Мутахассисларимизнинг бор- йўғи 6 нафари олий маълумотли. Хом- чўт қилинг-чи, бир нафар ходимга қанча жонивор тўғри келяпти. Шунинг ўзиёқ иш ҳажми нечоғлик кўп эканлигини англатади. Менимча бу масалани, яъни штатларни чорва бош сонига мос равишда кўриб чиқиш, олий маълумотли ветврачларни кўпайтириш, манфаатдорликни оширишни республика



миқёсида кўриб чиқиш зарур. Шунга қарамай ишляпмиз, ҳаловатдан кечиб, баъзан оддийгина илиқ сўз эшитмасдан ишляпмиз,- дейди Мардон ака. - Бундан ташқари бўлимнинг алоҳида биноси йўқ. Аини пайтда почта биносининг бир четида ижарада турибмиз. Йилга 9 миллион сўм тўлаймиз. Бу ҳам ечимини кутиб турган муаммо.

Мардон Бегманов соҳада узоқ йиллардан буён ҳалол ишлаб келаётган мутахассисларни муносиб тақдирлаш лозимлигини ҳам таъкидлади.

- Оддийгина раҳмат, яхши ишляпсиз деган сўз одамни нечоғлик руҳлантириб юборади. Биз ана шу одатни ишхонамизда йўлга қўшганмиз. Байрамлар баҳонасида фидойи кишилар тақдирланиб борилмоқда,- дейди Мардон ака.- Ва яна бир гапни айтмасам бўлмас. Ҳар гал журнал саҳифаларини варақлаб улуғ ёшга кирган, етмишдан ўтиб саксонга бораётган ветврачлар, олимлар ҳақидаги лавҳаларни ўқийман. Биз ҳам шундай кунларга етайлик, дейман. Очиғи, журналдаги мана шу лавҳалар ҳам бизни янада фаол бўлишга ундайди, руҳлантиради.

Пахтакор туманидаги Чаманзор қишлоғидамиз. Хонадон соҳиби Қайсар Абдурахмонов ветеринария ходимларидан мамнун.

- Тўлқин ака билимдон ветврач, 4 бош қорамолим, 6 бош қўйим бор, ҳаммасини шу кишига кўрсатаман. Эмлаш вақтини ҳам ўзлари билади, дарвозамизни тақкиллашиб келаверади. Нима савол туғилса, эринмасдан тушунтириб беради. Раҳмат, – дейди уй соҳиби.

Тўлқин Ўроловнинг шу ерда ишлаётганига 30 йилдан ошибди. Шу йилдан бошлаб Самадулла Усмонов





исмли йигитни ёнига олиб устозлик қилаяпти. Ҳар куни устоз-шогирд 50 дан ортиқ хонадондаги жониворларни эмлашга, бажарилган ишларни махсус дафтарларга ёзиб чиқишга улгураяпти. Тумандаги Буюк ипак йўли маҳалласида Эркин Қўшаев ва Абдураззоқ Мамиевларни иш устида учратдик.

-Ўғлим Дилшодбек ҳам ёнимда, менга кўмакдош, - дейди Абдураззоқ Мамиев. - Ўқитувчилардан эшитганию китоб ва журналларда ўқиганини амалиёт жараёнида қўллаб кўраяпти. Маҳоратини оширишда кўмаклашяпмиз. Ёш мутахассис сифатида одамлар билан суҳбатлашишни ҳам ўрганаёпти. Чунки ветврачлик фақат эмламаларни кўтариб юриш ё укол қилиш, даволаш дегани эмас, унда муомила маданияти ҳам юқори бўлиши керак. Чорва боқаётган одамни ўз билимингиз ва тавсиянгиз билан лол қолдиринг, у сиз айтган гапни меъёрида қўллайди, шу тарика чорвасини кўпайтириб олади. Моли кўпайган, жўяли маслаҳатни олган киши албатта ветврач билан алоқани янада мустаҳкамлашга интилади. Биз ана шу ақидага амал қилганимиз учун назардан қолганимиз йўқ.

Арнасойлик тажрибали ветврач Ҳакмурод Дўсатов доимо иш устида, туну кун Зарафшон маҳалласидаги чорвани даволаш, эмлаш ишлари билан машғул. Уни бу гал уч бош сигир, икки бош бузоқ ва йигирмадан ортиқ қўй-қўзиларни оиласи билан парвариш қилаётган Сайфиддин Маматовнинг ҳовлисида учратдик.

- Ҳар бир хонадонга кириб қанча мол бор, сигир ва ғунажинлар сунъий уруғлантирилганми, паррандаю итлар ва бошқа жониворнинг ҳавфли касалликларга қарши эмлаш ҳолати, буларнинг барчасини алоҳида дафтарларга ёзиб бораёпмиз, - дейди ветврач. - Ишимизнинг сифати, эмлаш ишларининг тезкорлиги туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Ақрам Жумақулов томонидан қаттиқ назоратга олинган.

Маъмуотларга қараганда Арнасой туманида 44та чорвачилик фермер хўжаликлари фаолият олиб бормоқда. Шу йилнинг ўзида чорвачиликни ривожлантириш, зотдор қорамолларни кўпайтириш йўналишида 20дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилиши кутилмоқда. Бунга тижорат банклари томонидан аҳолига чорвачиликни ташкил этиш мақсадида берилаётган кредитлар ва шу маблағлар натижасида пайдо

бўладиган хўжаликлар кирмайди.

-“Ҳар бир оила тадбиркор” тамойилига кўра, банк кредитларини мақсадли йўналтириш, ғайратли ва шижоатли кишилар кўмагида чорвачилик тармоғини хусусий секторда кўпайтиришга алоҳида эътибор бераяпмиз, - дейди туман ҳокими Жамолiddин Бердибоев биз билан суҳбатда. - Ҳар куни гоҳ банкда, гоҳ маҳалла идоралари, кишлоқлардаги турли соҳа кишиларининг ҳовлисида бўлиб аҳоли билан суҳбатлашяпмиз. Мақсад бирор масалада муаммога дуч келган киши овора бўлиб, туман марказига бориб, ҳокимни излаб юрмасин, унинг муаммосини ўз жойида ҳал этайлик, деяпмиз.

Минг афсуски, соҳада муаммолар ҳам оз эмас. Арнасой туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими туман марказида, шахсий уйнинг бир қисмида, ташландиқ ҳолатдаги хоналарда ижарада турибди. Бўлим бошлиғи ўринбосари Райимқул Доғниёров ва мутахассис Иброҳим Бегимқуловнинг айтишича, қўшни вилоятлардаги ҳамкасблари янги бинога эга бўлишмоқда, ишхонасини таъминлашга 250- 300 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфлашмоқда.

- Бу хушxabарларни журналда ўқиб, уларга ҳавасимиз келади. Нега бизда шундай имкон йўқ? Биз ўғаймизми, нега Арнасойда ветеринариянинг алоҳида биноси бўлмаслиги керак? - дейди Райимқул ака.

- Бу муаммо нафақат Арнасой туманида, балки вилоятнинг Зарбдор, Зафаробод ва Шароф Рашидов номи туманларида ҳам мавжуд. Бир неча йилдирки, айни шу туманлар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимлари раҳбарлари бошқарма орқали туманлар раҳбарларига, вилоят ҳокимига қайта-қайта мурожаат қилишган. Афсуски, муаммо ҳамманинг кўз ўнгида муаллақ турибди. Ана шуниси “офарин” дейсиз. Шунга қарамай таъкидлаш лозимки, жиззахликлар кўмита раҳбари томонидан эълон қилинган “Зарбдор 70 кунлик”да бошқалардан ортда қолгани йўқ.

*Абдунаби Алиқулов,
журналист*



Ж.Турсагатов,

*Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг
Инновацион фаолият, фан ва таълим соҳасини ривожлантириш
бошқармаси бошлиғи,*

Д.Сайдалиев., Р.Пардаев,

*Самарқанд ветеринария медицинаси институти хузуридаги
Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази*

ВЕТЕРИНАРИЯ МУТАХАССИСЛАРИ, ТЕХНИК ОСЕМЕНАТОР ВА ЧОРВАДОРЛАРНИНГ МАЛАКАСИ ОШИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 майдаги “Самарқанд ветеринария медицинаси институтини ташкил этиш тўғрисида”ги ПКҚ-3703-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 532-сонли қарори асосида Самарқанд ветеринария медицинаси институти хузурида Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази фаолият бошлади.

2019 йилнинг сентябрь-декабрь ойларида “Ветеринария лабораториялари, ВСЭЛ мутахассислари”, “Давлат ветеринария хизмати мутахассислари” ва “Идоравий, ишлаб чиқаришдаги ва хусусий ветеринария хизмати мутахассислари” йўналишлари бўйича ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда 1 ойлик ўқув курслари (144 соат ҳажмда) ташкил этилди.

Шунингдек, “Ветеринария хизмати раҳбар ходимлари” йўналиши учун ушбу курснинг давомийлиги 2 ҳафта (72 соат ҳажм)дан иборат.

Ўтган давр оралиғида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 250 нафарга яқин давлат ветеринария хизмати мутахассисла-



2-расм. “Ветеринария хизмати мутахассислари” йўналиши тингловчилари (сўйиш корхонасида) амалиётда

ри малака ошириш курсларида қатнашди ва уларга тегишли малака тоифалари берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 6-7 май кунлари Фарғона вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ва кенгайтирилган йиғилиш баёнига мувофиқ, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда “Ўзбекчорванасл” агентлиги томонидан чорвачиликда сунъий уруғлантириш ишларини самарали йўлга қўйиш мақсадида Самарқанд ветеринария медицинаси институти қошида ўқув марказини ташкил этиш, республика ҳудудларида фаолият юритаётган ветеринария ва зоотехния мутахассисларининг малакасини ошириш бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш ҳамда курс якунлари бўйича тингловчиларга тегишли сертификатлар берилишини таъминлаш белгиланган.



1-расм. “Ветеринария лабораториялари, ВСЭЛ мутахассислари” йўналиши тингловчилари амалий-лаборатория машғулотларида.



3-расм. Тингловчиларга сертификатлар берилган пайт.

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда “Ўзбекчорванасл” агентлиги тизимидаги 3021 нафар кишлоқ хўжалиги ҳайвонларини сунъий уруғлантирувчи ветеринария мутахассислари ва техник осеменаторларнинг малакасини ошириш кўзда тутилган.

Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳузуридаги Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида 2019 йилнинг сентябрь-декабрь ойларида ўтказилган қисқа муддатли малака ошириш ўқув курсларида 1200 га яқин сунъий уруғлантириш билан шуғулланувчи ветеринария мутахассислари ва техник осеменаторлар иштирок этишди. Ўқув машғулотлари Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг профессор-ўқитувчилари томонидан замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологиялари асосида олиб борилмоқда. Машғулотлар ўтиш учун Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, “Ўзбекчорванасл” агентлиги ҳамда “Ўзнаслчилик” давлат корхонасининг раҳбар ва мутахассислари ҳам жалб этилмоқда.

Марказ тингловчиларига ўтиладиган барча фанлардан ўқув материалларининг электрон база-

си, ўқув-услугий мажмуалар яратилган. Амалий машғулот дарслари махсус жиҳозланган аудиторияларда олиб борилиши йўлга қўйилган.

Курсларни муваффақиятли якунлаган барча тингловчиларга тегишли сертификатлар берилди. Бугунги кунда марказда 2 та компьютерлаштирилган ўқув хонаси мавжуд бўлиб, тест синовлари учун саволлар базаси лотин ва кирил алифболарида киритилган. Шунингдек, Самарқанд вилоятининг илғор чорвачилик хўжаликлари, замонавий ветеринария дорихоналари ва лабораторияларига сайёр (чиқиш) дарслари ташкил этилган.

2020 йилдан бошлаб Чегара ва транспортда давлат ветеринария назорати бошқармаси раҳбар ва ходимлари учун алоҳида ўқув дастурлари асосида малака ошириш ўқув курслари йўлга қўйилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2019 йил 30 ноябрдаги 01/23-17 сонли “Йўл харитаси”га мувофиқ Малака ошириш маркази негизида Чорвадорлар амалий ўқув маркази ташкил этилиб, унда чорвадор мутахассисларнинг қисқа муддатли ўқув курслари йўлга қўйилиши белгилаб олинди.

ТУРЛИ КРОССЛАРГА МАНСУБ ТОВУҚЛАР ОЁҚ СУЯКЛАРИНИНГ
МОРФОМЕТРИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация

В статье освещены абсолютные показатели костей грудной и тазовых конечностей, отличительные межкроссовые особенности этих показателей кур Ломан Браун классического и Ломан Браун ЛСЛ классического кроссов Леггорнской породы.

Калит сўзлар: парранда, товуқ, Ломан Браун классик, Ломан Браун ЛСЛ классик, кросс, стилоподий суяклари, зейгоподий суяклари, метаподий суяклари, акроподий суяклари, чизикли ўлчам, абсолют кўрсаткич, абсолют оғирлик.

Summary

The article highlights the absolute indicators of the bones of the thoracic and pelvic limbs, the distinctive intercross characteristics of these indicators of the Loman Brown classic and Loman Brown LSL hens of the classic Leggorn crosses.

Кириш. Паррандачилик тармоғи ишлаб чиқариш муддатининг қисқалиги, озиқа сарфининг камлиги, етиштирилаётган маҳсулотнинг таркиби ва сифатини мувофиқлаштириш имконияти кенглиги билан муҳим аҳамиятга эга.

Парранда гўшти биологик фаол моддалар ва одам организмида синтезланмайдиган аминокислоталар, юкори тўйинмаган ёғ кислоталарини сақлаши, шунингдек, унинг таркибида бириктирувчи тўқималар камлиги сабабли одам ошқозон-ичак йўлида оксилларни яхши парчаланишига замин яратилиши ҳаётий муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида паррандачилик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг бошқа тармоқлари ўртасида етакчи ўринни эгаллаб, аҳолини юкори қийматли пархезбоп озиқ-овқат маҳсулотлари (тухум, гўшт, ёғли жигар), саноатни эса қайта ишлаш учун хом ашё (пат, пар ва б.) билан таъминлайди. Парранда гўшти ва тухум ишлаб чиқариш йилдан-йилга ошиб боради [4].

Тадқиқотчиларнинг [6] маълумотларига кўра, парранда гўштининг сифатига ирсий омиллардан (тур, зот, линия, кросс) ташқари, уларнинг жинси, ёши ва ташқи муҳит омиллари, хусусан озиқлантириш таъсир кўрсатади. Тажрибалар натижасида парранда гўштининг сифатига рацион таркибидаги протеин, алмашинувчи энергия даражасини таъсири аниқланган. Озуқанинг аминокислота таркибини организмда липид ҳосил бўлиши билан кечадиган моддалар алмашинуви жадаллигининг ўзаро алоқадорликда кечиши аниқланган. Гўштининг сифатига, айниқса унинг ёғ кислотали таркибига паррандалар рационига қўшимча киритилган ҳайвон ва ўсимлик ёғлари таъсир этади [10].

Парранда гўштининг биологик қиймати энг аввало, ундаги оксилларнинг тўла қийматлилиги, яъни ўрин алмашинувчи аминокислоталар сақлаши ва нисбати билан баҳоланади. Парранданинг оқ гўшти таркибидаги оксилда одам организми учун барча ўрин

алмашинувчи аминокислоталар (триптофан, треонин, изолейцин, лейцин, лизин, метионин, фенилаланин, валин ва гистидин) мавжуд.

Парранданинг пархезбоп оқ гўшти ҳар хил таъмли ва озиқали сифатга эга бўлиб, улар нафакат парранданинг тури, ёши ва озиқланиш даражасига, балки зоти, селекция йўналиши ва сақлаш шароитига боғлиқлиги аниқланган. Ота-она уясини гўшт маҳсулдорлиги белгиларига кўра ялпи саралаш наслнинг маҳсулдорлик сифати ҳамда гўштининг биологик қиймати, юмшоқлиги ва таъм сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Жўжа гўштининг майинлиги мускул тўқимасининг гистоморфологик хусусиятлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, у муҳим таъм ва сифат кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Жўжаларнинг оқ гўшти қизил гўштира нисбатан майинлиги, унда мускул толалари нафислиги ва бириктирувчи тўқималарни кам сақлаши билан асосланган.

И.И.Кочиш, М.Г.Петраш, С.Б.Смирновларнинг [5] таъкидлашича, уй паррандалари уларнинг ёввойи аجدодларидан фарқ қилувчи ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, аксарият уй паррандалари тўлиқ ёки қисман учиш қобилиятини йўқотган. Қушларда суяклар энгил ва мустаҳкам. Унга ҳаво бўшлиқлари энгиллик бағишласа, умурткалилар орасида энг юкори минерал моддаларни сақлаши зичлигини таъминлайди. Суякларнинг энгиллашиши тана вазнига таъсир қилмасдан, суяклар узунлигининг ортишига олиб келади. Паррандаларда суяк усти пардаси жуда яхши ривожланган бўлиб, бу суяк синганида тез битишига имкон беради. Маълумотларига кўра, инкубациянинг биринчи суткаси охирида мезодермадан сомитлар ҳосил бўлади, ҳар бир сомитдан эса ўқ скелетининг муртаги (склеротом), скелет мускуллари (миотом) ва тери асоси ҳамда тери ости қатлами (дерматом) ривожланади. Инкубациянинг тўртинчи кунда товуқ эмбрионининг шаклланиши тугалланади.

Пассив ва фаол ҳаракат органлари ўрта эмбрионал варақ – мезодермадан ривожланади ва бир-бири

билан яқин морфофункционал ўзаро боғлиқликда бўлади. Локомотор аппарат органларининг тузилиши ва таракқиётини турлар, зотлар ва ёшлар бўйича хусусиятларини ўрганиш, нафақат тарихий таракқиёт даврида ҳайвон организмида рўй берадиган эволюцион ўзгаришларни назарий асослаш, балки амалий ветеринарияда ҳам муҳим аҳамият касб этади [11].

Айрим муаллифларнинг [1] маълумотларига кўра, мезодермадан сомитлар ҳосил бўлиб, улар скелет ва скелет мускулларини шаклланиши учун материал бўлиб хизмат қилади. Оёқларнинг муртаги эмбриогенезнинг иккинчи-учинчи суткасида пайдо бўлади. Эмбрионда 7,5-8,0 суткада 18 мм узунликдаги олдинги оёқ канот шаклини намоён қилади. Қушларнинг дон билан озикланувчи турларида кўкрак мускуллари калинроқ бўлиб, “оқ” гўшт деб аталади ва таянч-ҳаракат аппаратининг “қизил” гўшtidан фарқ қилади. Муаллифларнинг таъкидлашича, қишлоқ хўжалик паррандалари фақатгина экстерьер кўрсаткичлари билан эмас, балки ички органлари ва организмнинг бошқа тизимларини ўзига хос тузилганлиги билан ҳам фарқ қилади.

Б.Ф.Бессарабов [2] инкубациянинг биринчи суткасида учинчи эмбрионал варақ – мезодермани ҳосил бўлиши ва сомитларнинг дифференциацияланиши бошлашини таъкидлайди. Инкубациянинг тўртинчи суткасида қалинлашган тузилма шаклидаги оёқ ва канот муртаги кўзга ташланади. Олтинчи суткада соматик мускуллар ривожлана бошлайди, скелет тоғай тўқимасидан иборат бўлади. Ўн иккинчи суткада эмбрион танаси ва оёқлари узунлашади, 16-суткада канот бармоқлари дифференциацияланади.

Тадқиқотчиларнинг [3, 8, 9] маълумотларига кўра, суякларнинг мустаҳкамлик кўрсаткичлари босқичли тарзда ортиб боради ва вояга етган ҳайвонларда юқори даражани эгаллайди, ўсишнинг бирмунча жадал кечиши эмбрионал даврда кузатилади. Ҳайвон туғилганидан кейинги давр мобайнида суяклар мустаҳкамлигининг кўрсаткичларини ўсиши деярли бир текис, секинлашган ҳолатда кечади.

Елка суягининг қисилишига нисбий қаршилиги ереван зотли хўроз ва товуқларнинг 18 ойлигида 3 ойликдагига қараганда мос равишда 2,38 ва 1,92 марта юқори эканлиги аниқланган [7]. Муаллиф томонидан қисилиш ва букилишга нисбатан энг юқори абсолют мустаҳкамлик уч ва олти ойлик хўрозча ва товуқларнинг сон, тоvon-оёқ-кафт суякларида, энг паст кўрсаткич елка суягида кузатилиши аниқланган. Бу қонуният товуқларда 18 ойликка қадар, хўрозларда эса 12 ойликка қадар сақланиб қолган, катта ёшдагиларда бу ҳолат бирмунча ўзгарган, яъни энг юқори мустаҳкамлик тоvon-оёқ-кафт, сўнгра сон суягида, энг паст кўрсаткич елка суягида қайд этилган. Суякларни мустаҳкамлиги бўйича ушбу қонуниятни муаллиф оёқ суякларининг таянч-ҳаракат функцияси, суякларни

оёқларда жойлашиши ва мускулларни кучсиз таъсир кўрсатиши билан изоҳлайди.

Материаллар ва методлар. Илмий ишлар Сариосиё тумани “Олмалик КМК” АЖ ва Жарқўрғон туманидаги “Қизирик-парранда ЛТД” тухум йўналишидаги паррандачилик фермаларида парвариш қилинаётган 400 кунлик “Ломан Браун классик” ва “Ломан Браун ЛСЛ” классик кроссларига мансуб товуқлар олдинги ва орқа оёқ эркин суяклари устида олиб борилди. Суякларнинг чизикли ўлчамлари ҳамда оғирликларини аниқлашда Н.П.Чирвинский томонидан қўлланилган ҳамда Самарқанд ветеринария медицинаси институти олимлари (Д.Х.Нарзиев, М.Х.Алламуродов, А.С.Даминов, Р.М.Таштемиров, Н.Б.Дилмуродов) томонидан такомиллаштирилган ва жорий қилинган умумморфологик услублардан фойдаланилди.

Илмий текширишлар натижасида олинган барча рақамли маълумотлар Е.К.Меркурьева услуби бўйича математик ишловдан ўтказилди.

Математик-статистик таҳлил Стьюдент ва Фишер мезонлари ёрдамида компьютернинг Microsoft Excel электрон жадвалида бажарилди.

Натижалар ва уларнинг таҳлили. “Ломан Браун классик” кроссига мансуб товуқлар елка суяги узунлигининг абсолют кўрсаткичи 8,2 см, эни 0,9 см, қалинлиги 0,8 см га тенг бўлиб, унинг абсолют оғирлиги 2,5 г ни ташкил этгани ҳолда, “Ломан Браун ЛСЛ” классик кроссига мансуб товуқлар мазкур суягининг абсолют узунлиги 7,8 см, эни 0,85 см, қалинлиги 0,8 см га тенг бўлсада, суяк оғирлигининг абсолют кўрсаткичи “Ломан браун” кроссникига қараганда бирмунча юқори, яъни 3,2 г бўлиши қайд этилди.

Билак суяги узунлигининг абсолют ўлчами “Ломан Браун” классик кроссига мансуб товуқларда 7,8 см, эни 0,7 см, қалинлиги 0,5 см га, тирсак суягининг абсолют узунлиги 7,3 см, эни 0,4 см, қалинлиги 0,3 см, билак-тирсак суякларининг умумий оғирлиги 2,8 г га тенг бўлиб, “Ломан Браун ЛСЛ” классик кроссли товуқларнинг билак суягини абсолют узунлиги 6,8 см, эни 0,4 см, қалинлиги 0,3 см га, тирсак суягининг абсолют узунлиги 7,5 см, эни 0,7 см, қалинлиги 0,5 см, билак-тирсак суягининг умумий абсолют оғирлиги эса 3,1 г ни ташкил этди.

Олдинги оёқнинг бармоқ (канот) суяклари умумий узунлигининг абсолют ўлчами “Ломан Браун” классик кроссли товуқларда 7,4 см, эни 1,1 см, қалинлиги 0,5 см, оғирлиги 1,7 г ни, “Ломан Браун ЛСЛ” классик кроссли товуқларда мазкур суяклар умумий узунлигининг абсолют кўрсаткичи 6,8 см, эни 1,0 см, қалинлиги 0,5 см, оғирлиги эса 1,82 г ни ташкил қилиб, суякларнинг чизикли ўлчамлари “Ломан Браун” классик кроссига мансуб товуқларда “Ломан Браун ЛСЛ” классик кроссидагиларга нисбатан бирмунча юқори бўлсада, уларнинг абсолют оғирликлари бўйича, аксинча “Ло-

ман Браун ЛСЛ” классик кроссига мансуб товуклар устунлики намоён қилиши аниқланди.

“Ломан Браун” классик кроссига мансуб товуклар сон суягининг абсолют узунлиги 8,4 см, эни 0,9 см, қалинлиги 0,8 см, абсолют оғирлиги 5,1 г га, “Ломан Браун ЛСЛ” классик кроссига мансуб товуклар мазкур суягининг абсолют чизикли ўлчамлари юқоридаги кроссли товуклардагига яқин, яъни узунлиги 8,1 см, эни 1,0 см, қалинлиги 0,5 см га тенг бўлгани ҳолда, абсолют оғирлиги олдинги оёқ суяқлариникига мутаносиб равишда сезиларли юқори, яъни 6,8 г га тенг бўлиши қайд этилди.

Болдир суягининг чизикли ўлчамлари ва оғирлигининг абсолют кўрсаткичлари бўйича иккала кросс ўртасидаги тафовутлар сақланиб қолиши кузатилиб, “Ломан Браун” классик кроссли товукларда ушбу суякнинг узунлиги 11,8 см га, эни 0,8 см га, қалинлиги 0,6 см га, оғирлиги 6,9 г га, Ломан Браун ЛСЛ классик кроссли товукларда суякнинг узунлиги 12,0 см га, эни 0,7 см га, қалинлиги 0,7 см га, оғирлиги 7,7 г га тенг бўлди.

Илик суягининг абсолют узунлиги “Ломан Браун” классик кроссли товукларда 7,8 см га, эни 0,8 см га, қалинлиги 0,6 см га, абсолют оғирлиги 3,2 г га, “Ломан Браун ЛСЛ” классик кроссли товукларда мазкур суякнинг абсолют узунлиги 8,2 см га, эни 0,8 см га, қалинлиги 0,5 см га, абсолют оғирлиги 4,3 г га тенг бўлиб, орқа оёқнинг проксимал суяқларидан фарқли ўларок, кросслар ўртасидаги тафовутлар нафақат уларнинг абсолют оғирликларида, балки абсолют узунликларида ҳам кузатилди.

Товуклар орқа оёғининг акроподий бўлими биринчи (II фаланг), иккинчи (III фаланг), учинчи (IV фаланг) ва тўртинчи (V фаланг) бармоқ суяқларидан тузилган бўлиб, “Ломан Браун” классик кроссли товукларда биринчи бармоқ суягининг абсолют узунлиги 2,3 см, абсолют оғирлиги 0,25 г, ушбу кўрсаткич мос равишда, иккинчи бармоқ суягида 3,2 см, 0,4 г; учинчи бармоқ суягида 4,7 см, 0,7 г; тўртинчи бармоқ суягида 3,5 см, 0,5 г ни, “Ломан Браун ЛСЛ” классик кроссига мансуб товуклар бармоқ суяқларининг бу кўрсаткичлари мос равишда, биринчи бармоқ суягида 2,5 см, 0,32 г; иккинчи бармоқ суягида 3,4 см, 0,45 г; учинчи бармоқ суягида 4,96 см, 0,89 г; тўртинчи бармоқ суягида 3,91 см, 0,54 г ни ташкил этиши аниқланди.

Хулоса: “Ломан Браун” классик ва “Ломан Браун ЛСЛ” классик кроссларига мансуб товуклар олдинги ва орқа оёқлар стилоподий ва зейгоподий суяқлари чизикли ўлчамларининг абсолют кўрсаткичлари ҳар иккала кроссларда деярли фарқ қилмасида, суяқларнинг абсолют оғирликлари “Ломан Браун ЛСЛ” классик кроссли товукларда юқори бўлиши кузатилди.

Акроподий суяқларининг чизикли ўлчамлари ва оғирликларининг абсолют кўрсаткичлари “Ломан Браун” классик ҳамда “Ломан Браун ЛСЛ” классик

кроссли товукларда олдинги ва орқа оёқнинг стило ва зейгоподий суяқлариники каби ҳолатни намоён қилиб, суяқларни акроподий бўлимида жойлашиши ва функционал хусусиятлари билан боғлиқ равишда учинчи бармоқ суягининг ўрганилган ўлчамлари бошқа бармоқлардагига нисбатан юқори эканлиги қайд этилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Бессарабов Б.Ф., Бондарев Э.И., Столяр Т.А. Птицеводство и технология производство яиц и мяса. – СПб.: Лань, 2005. С. 167-171.
2. Бессарабов Б.Ф. Инкубация яиц с основами эмбриологии с.-х. птицы. – М.: Колос, 2006. С. 240.
3. Гапсатарова Р.Р. Морфофункциональное обоснование видовых особенности скелета и мышц с их сосудами и нервами области шеи домашних птиц. Автореф. дис.... канд.вет.наук. Омск, 1990. С. 11.
4. Корнилова В.А. Научное обоснование повышения обмена веществ, мясной продуктивности птицы при использовании биологически активных добавок. Автореф. дис... докт. с.-х. наук. ФГОУ ВПО «Самарская государственная сельскохозяйственная академия». М.: Колос, 2004. С. 112-113.
5. Кочиш И.И., Петраш И.Г., Смирнов С.Б. Птицеводство. М.: КолосС, 2003. С. 26-34.
6. Лазерева Н. Нормирование минералов в рационах для бройлеров / Птицеводство. 2011. №5. С. 26-27.
7. Мхитарян Р.С. Сравнительные анатомо-гистологические и физико-химические особенности скелета и его мускулатуры у кур породы ереванская и леггорн: автореф. дисс... канд. вет. Наук. Ереван, 1986. С. 14.
8. Петричко С.А., Ковешников В.Г. и др. Влияние морфина гидрохлорида на рост и формирование костей в эксперименте. / научно-теорет. мед. Журнал «Морфология». – С-П.: «Эскулап», Т.121 (2-3). 2002. С. 122.
9. Романюк Б.П. Возрастные особенности прочностных свойств трубчатых костей при репаративной регенерации на фоне функциональной недостаточности печени и коррекции левитом. // Влияние антропогенных факторов на структур, преобразов, органов, тканей, клеток человека и животных. Матер. 2-й Всеросс. Конф. Саратов. – ч.2. 1993. С. 42-43.
10. Тухбоев И.О., Шамин О.О. Влияние комплексной ферментно-бактериальной добавки на хозяйственные показатели бройлеров // Кормление с/х животных и кормопроизводство. 2012. №7. С. 36-39.
11. Юдичев Ю.Ф., Ефимов С.И., Хонин Г.А. Анатомия домашних животных. Учебник. Омск, 2003. С. 302.

УДК 616.619.995.1.

А.О.Орипов, в.ф.д., профессор,
И.А.Улашев, докторант (ВИТИ),
А.Ш.Абдуразоков, ф.ф.н., С.Саидов, докторант, (ЎМКИ).

ЯНГИ СИНТЕЗ ҚИЛИНГАН 2-АЦЕТИЛАМИНО-БЕНЗИМИДАЗОЛНИНГ АНТГЕЛЬМИНТ ФАОЛЛИГИ

Аннотация

Приводятся результаты определения антгельминтной активности 2-ацетиламинобензимидазола (2-АЦБ) и его гидрохлоридного соединения (2-АЦБ.НСI), вновь синтезированных в институте химии растительных веществ (ИХРВ АНУз) против гельминтов овец (стронгилят, фасциол и мониезий) при даче препаратов овцам внутрь, в разных дозах – 25, 50, 100 и 150 мг/кг.

Калит сўзлар: гельминтоз, эхинококкоз, ценуроз, цистицеркоз, антгельминт, доза, синтез, препарат, 2-АЦБ, гидрохлорид.

Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Ўсимлик моддалар кимёси институтида маҳаллий хомашё ва технология асосида синтез қилиниб лаборатория шароитида ишлаб чиқилган 2-ацетиламинобензимидазол (2-АЦБ) ва унинг гидрохлоридли бирикмаси (2-АЦБ.НСI)нинг антгельминт фаоллигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар Ветеринария илмий-тадқиқот институти (ВИТИ)нинг гельминтология лабораториясида олиб борилди. Тажрибалар турли гельминтозлар – ошқозон-ичак стронгилятозлари (маршаллагияоз, нематодироз, остертагиоз ва бошқ.), фасциолёз ва мониезизоз билан табиий зарарланган 38 бош қўйларда ўтказилди.

Биринчи тажрибада 4 гуруҳга (4 бошдан) бўлинган, жамми 16 бош қўйларда олиб борилди ва ҳар бир гуруҳ қўйларига 2-АЦБ 25, 50, 100 ва 150 мг/кг дозада оғиз орқали, 150-200 мл сув билан юборилди.

Иккинчи тажрибада 15 бош қўй бўлиб уларнинг биринчи гуруҳи 3 бош қўйга 2-АЦБ НСIнинг 25 мг/кг микдори, қолган 3-гуруҳ, ҳар бири 4 бошдан тузилган гуруҳ қўйларга эса препаратнинг 50, 100 ва 150 мг/кг дозалари синаб кўрилди.

Таққослаш учун 7 бош қўйга чет элдан олиб келинадиган ва кенг қўлланиладиган албендазол (албен, валбазен ва б.) препаратдан қўйларнинг ҳар 1 кг тирик оғирлигига препаратнинг актив таъсир этувчи моддаси (АТМ) ҳисобида 10 мг дозада қўлланилди.

Синалаётган янги препаратлар (2-АЦБ ва 2-АЦБ.НСI) ва қўлланилиб келинаётган чет эл препарати – албендазолнинг антгельминт фаоллигини аниқлаш ва таққослаш учун, препарат берилгандан олдин ва ундан 5 кун кейин барча тажриба гуруҳлар қўйларидан тезак намуналари олиниб гельминтоовоскопиянинг Фюллеборн (1928) ва кетма-кет ювиш усуллари ҳамда гельминтолارвоскопиянинг ВИТИда такомиллаштирилган Берман-Орлов усули билан текширилди.

Синовдан ўтказилаётган ва янги синтез қилинган 2-АЦБ ва 2-АЦБ.НСI нинг самарадорлиги илгари (1980-нчи йилларда) ЎМКИда синтез қилиниб “Фарғонаазот” ИЧБда, чет элдан олиб келинадиган хомашёлар (ортофенилдиамин, цианамид кальций)

Summary

Institute of Plant Chemistry of the Academy of Sciences of the synthesis of 2-acetilaminobenzimidazol (2-ACB) and its hydrochloride combination – 2-ACB HCl amount (dose) for (25, 50, 100 and 150 mg/kg), administered orally to the gastrointestinal tract strongylates, fasciola and monieziya activity below.

асосида катта ҳажмда (тонналаб) ишлаб чиқарилган 2-АЦБ ВИТИда қўйлар, қорамол, от, чўчка ва парранда (товуқлар) гельминтозларига қарши синовлардан ўтказилиб, “Ацетамизол” деб номланган антгельминт восита сифатида тавсия этилган ва ўша пайтда Давлат Ветеринария Бош бошқармаси томонидан тасдиқланган (2001 й, 9 август) эди. (Орипов А.О., 1983; А.О.Орипов, Г.Д.Саруханян, 1987; Ч.Ш.Қодиров ва ҳаммуаллифлар, 1985, 1994; А.О.Орипов ва ҳаммуаллифлар, 1996).

Мазкур мақолада акс эттирилган тадқиқотларнинг яна бир мақсади – икки хил технология асосида синтез қилинган 2-АЦБнинг антгельминт фаоллигини таққослашдан иборат.

Янги синтез қилинган 2-АЦБнинг 25 мг/кг дозаси қўйларнинг ошқозон-ичак стронгилятлари, фасциола ва мониезияларига қарши нофаол эканлиги аниқланди (жадвал), чунки препарат беришдан олдин 4 бош тажрибадаги қўйларнинг фасциола билан зарарланган 3 таси, мониезиялар билан зарарланган 1 бош қўй ва ошқозон-ичак стронгилятозлари билан зарарланган 2 бош қўй препарат берилгандан 5 кун кейин ҳам зарарланганлигича қолди. Боз устига ошқозон-ичак стронгилятозлари билан дори берилгандан олдин зарарланган қўйлар 2 бош бўлиб, дори берилгандан кейин уларнинг сони кўпайиб 3 бошни ташкил қилди.

2-АЦБнинг гидрохлоридли бирикмаси (2-АЦБ.НСI) ҳам 25 мг/кг дозада синалганда қўйларнинг гельминтлари (стронгилятлар, фасциола ва мониезиялари) га қарши фаол эмаслиги аниқланди (жадвал).

2-АЦБ 50 мг/кг дозада мониезияларга қарши маълум даражада фаоллик кўрсатди: препарат беришдан олдин, мониезиялар билан зарарланган 1 бош қўй, 5 кундан кейин бу гельминтлардан тўлиқ озод бўлди, 2-АЦБ.НСI эса айнан шундай фаолликни фасциола-ларга нисбатан кўрсатди.

2-АЦБнинг 100 мг/кг дозаси қўйларнинг барча тур гельминтларига қарши сезиларли фаоллик кўрсатди: 4 бош ошқозон-ичак стронгилятлари ва мониезиялар

2-ацетиламино-бензимидазол (2АЦБ) ва унинг гидрохлоридли бирикмаси (2-АЦБ.НСІ)нинг антгельминт фаоллиги.

Препарат	Препаратнинг дозаси, мг/кг	Гуруҳдаги қўй сони, бош	Экстенс зарарланганлик					
			препарат беришдан олдин			препарат берилгандан 5 кун кейин		
			ошқозон-ичак строн.	фасциола	мониезия	ошқозон-ичак строн.	фасциола	мониезия
2АЦБ	25	4	2	3	1	3	3	1
	50	4	3	3	1	3	3	—
	100	4	4	2	4	—	—	—
	150	4	4	3	2	—	—	—
2-АЦБ.НСІ	25	3	2	1	1	2	1	1
	50	4	4	4	—	4	3	—
	100	4	4	2	4	4	—	4
	150	4	4	3	2	3	—	—
Албендазол, 10% кукин (порошок)	10	7	7	1	3	1 (оз, 1-2 нусха)	1 (оз, 1-2 нусха)	—

билан зарарланган қўйларнинг барчаси (100%), 4 бош фасциолалар билан зарарланган қўйларнинг 2 таси (50%) бу гельминтлардан тўлиқ озод бўлди ва қолган 2 қўйнинг тезагида фасциола тухумларининг сони кескин камайди.

2-АЦБ.НСІнинг айнан шу микдорда (100 мг/кг) синаш натижаларига кўра, препарат фасциолаларга нисбатан етарли даражада фаоллик кўрсатди: барча 4 бош, трематодалар билан зарарланган қўйлар тўлиқ озод бўлди. Аммо, бу препарат, яъни 2-АЦБнинг гидрохлоридли бирикмаси бошқа гельминтларга нисбатан фаоллик кўрсатмади.

2-АЦБнинг 150 мг/кг дозаси ошқозон-ичак стронгилятлари ва мониезияларга нисбатан юқори фаоллик кўрсатди, аммо препаратнинг бу микдордаги фаоллиги фасциолаларга нисбатан бирмунча паст эканлиги кузатилди: дори беришдан олдин фасциолалар билан зарарланган 3 бош қўйларнинг 2 таси фасциолалардан тўлиқ озод бўлди, аммо 1 бош қўй зарарланганлигича қолди, лекин бу қўйнинг тезак намунасида жуда оз микдорда, яъни атиги 2 нусха фасциола тухумлари топилиди, холос.

2-АЦБнинг гидрохлоридли бирикмаси 150 мг/кг дозада 3 бош фасциолалар билан зарарланган қўйларнинг барчасини (100%) бу трематодалардан озод қилди, аммо 4 бош ошқозон-ичак стронгилятлари билан зарарланган қўйларнинг 2 таси (50%) ва 2 бош мониезиялар билан зарарланган қўйлар (100%) бу гельминтлар билан зарарланганлигича қолди. Бу қўйларнинг тезак намуналарида дори берилгандан кейин гельминт тухумлари кескин камайганлиги кузатилди.

Таққослаш учун 7 бош қўйларга албендазол 10 мг/кг дозада қўлланди ва юқори антгельминт самара олинди: 6 бош ошқозон-ичак стронгилятлари, 3 бош мониезиялар билан зарарланган қўйларнинг барчаси (100%) бу гельминтлардан холи бўлди. Бир бош ошқозон-ичак стронгилятлари ва 1 бош фасциолалар билан зарарланган қўйларнинг тезак намуналарини препарат берилгандан 5 кун кейин текширганда, оз микдорда (1-2 нусха) гельминт тухумлари борлиги аниқланди.

Шундай қилиб, 2-АЦБ ва 2-АЦБ.НСІ 25 мг/кг дозада қўйларнинг гельминтларига нисбатан фаол эмаслиги, 50 мг/кг дозада 2-АЦБнинг мониезияларга қарши, 2-АЦБ гидрохлориднинг фасциолаларга нисбатан бирмунча фаоллиги аниқланди.

100 ва 150 мг/кг микдорда 2-АЦБ барча гельминтларга нисбатан, 2-АЦБ гидрохлорид эса бу дозада фасциолаларга нисбатан юқори антгельминт фаоллик кўрсатиши аниқланди.

2-АЦБни 100 ва 150 мг/кг дозаларда қўллашнинг самарадорлиги албендазолнинг (10 мг/кг) самарадорлиги билан деярли бир хил, аммо 2-АЦБ.НСІнинг бу дозалардаги антгельминт фаоллиги фасциолаларга нисбатан юқори бўлиб, бошқа гельминт гуруҳлари (ошқозон-ичак стронгилятлар ва мониезиялар)га қарши самара бермади.

Янги синтез қилинган препарат – 2-АЦБ, олдин, яъни 1980 йилларда синтез қилиниб “Фарғонаазот” ИЧБда, саноат негизда ишлаб чиқарилган препарат билан (Ч.Ш.Кодиров ва бошқ., 1994; А.О.Орипов, 1983; А.О.Орипов ва бошқ. 1989; 1994) бир хил антгельминт самарага эга эканлигини эътироф этиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қодиров Ч.Ш., Холматов М.Х., Парманов А., Орипов А.О., Эргашев Э.Х. Патент №1579. 2-ацетиламинобензимидазол олиш усули. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси, 20.12.1994.
2. Орипов А.О. Трихостронгилидозы овец в Узбекистане и меры борьбы с ними. //Автореф дисс., М., 1983. 37 с.
3. Орипов А.О., Енилеева З.Ч., Кадыров Ч.Ш., Куприянова А.В. Способ лечения желудочно-кишечных и легочных нематодозов. Авторское свидетельство на изобретение №1506664. Бюлл. «Изобретения» №33, М., 1989.
4. Орипов А.О., Холматов М.Х., Наманчаев И., Юлдашев Н. Антгельминтная активность некоторых препаратов из группы бензимидазола. //Пробл. Изыскания, синтеза и производства новых препаратов для ветеринарии (тезисы докладов научной конф). Самарканд, 1994. С.75-76.

УДК 599.723. 595.13.

Аманияз Жанадилович Каниязов, таянч докторант,
Эркинжон Бердикулович Шакарбоев, б.ф.д., профессор,
ЎЗР ФА Зоология Институтини

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА ОТЛАРНИНГ *SETARIA EQUINA* (ABILDGAARD, 1789) НЕМАТОДАСИ БИЛАН ЗАРАРЛАНИШ ДИНАМИКАСИ

Аннотация

В статье рассмотрены вопросы заражения лошадей *Setaria equina* в условиях Каракалпакстана. Результаты исследований показывают, что экстенсивность инвазии лошадей в среднем составляет 30,5%, Интенсивность инвазии колеблется от 1 до 56 экз.

Калит сўзлар: Қорақалпоғистон, от, гельминт, *Setaria equina*, *Aedes caspius*, *Culex pipiens*, *Anopheles maculipennis*, инвазия экстенсивлиги ва интенсивлиги.


Summary

The article discusses the infection of *Setaria equina* horses in the conditions of Karakalpakstan. The results of the studies show the prevalence of infestation among horses 30,5%, the intensity of invasion ranges from 1 to 56 copies.

Кириш. Сўнгги йилларда мамлакатимизда чорвачилик, хусусан йилкичилик соҳасининг ривожланишига катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 июндаги “Ўзбекистон Республикасида йилкичилик ва от спортини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-3057-сонли ва 2019 йил 18 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида йилкичилик ва от спортини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4194-сонли қарорлари республикаимиздаги йилкичилик соҳасини ривожлантириш учун кенг имкониятлар эшигини очиб берди. Йилкичиликдан олинadиган маҳсулотлар кенг истеъмол моллари орасида муҳим ўрин эгаллайди. Афсуски, соҳанинг ривожланиши учун турли омиллар, жумладан гельминтозлар сал-

бий таъсир кўрсатиб келмоқда. Отлар организмда 100 га яқин турларнинг паразитлик қилиши фанга маълум [6]. Қорақалпоғистонда отлар гельминтозлари ва бошқа паразитар касалликлар етарлича ўрганилмаган [10]. Айрим фрагментар характердаги маълумотлар Ўзбекистон жануби ва Фарғона водийси худудларида отлар гельминтларини ўрганишга [5, 8] бағишланган. Қорақалпоғистонда эса отларнинг баъзи бир гельминт турларини ўрганиш билан чекланган [1, 7].

Нематодалар одам, хайвон ва ўсимликларнинг паразитлари сифатида кенг тарқалган тадқиқот объекти ҳисобланади. Бу жиҳатдан *Setaria Viborg*, 1795 авлоди нематодалари алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур авлод вакиллари кенг тарқалганлиги ва кенг доирадаги хайвонлар - хўжайинларда пара-



1-расм. Тадқиқот олиб
борилган ҳудуд.

▲ – Стационар тадқиқотлар;
● – маршрутли тадқиқотлар

- | | |
|--------------------|----------------------|
| 1 Амиударё тумани | 8 Қанлиқўл тумани |
| 2 Беруний тумани | 9 Қўнғирот тумани |
| 3 Чимбой тумани | 10 Қораўзак тумани |
| 4 Эликқалъа тумани | 11 Шумонай тумани |
| 5 Кегейли Тумани | 12 Тахтақўпир тумани |
| 6 Мўйноқ тумани | 13 Тўртқўл тумани |
| 7 Нукус шаҳри | 14 Хўжайли тумани |

зитлик қилишига мослашганлиги билан характерланади. Улар ҳар хил турдаги тоқ ва жуфт туёқлилар ҳамда қадок оёқлиларда паразитлик қилиши қайд этилган [10]. Сетариялар, қорин бўшлиғи эндопаразитлари бўлиб, ҳайвонларнинг маълум даражада маҳсулдорлигининг пасайишига сабабчи бўлади. Сетариялар турлар хилма-хиллиги, патогенлиги, улар экологиясининг ўзига хос хусусиятлари жуда кам ўрганилган.

Ушбу ишнинг мақсади Қорақалпоғистон шароитида отларнинг *Setaria equina* нематодаси билан зарарланиш даражасини ва унга таъсир этувчи омилларни ўрганишдан иборат.

Тадқиқот материали ва усуллари. Илмий тадқиқот ишлари 2016-2020 йилларда Қорақалпоғистон ҳудудида амалга оширилди (1-расм). Шу йиллар давомида академик К.И.Скрябиннинг (1928) тўлиқ ва тўлиқ бўлмаган гельминтологик ёриб кўриш усули билан 143 бош турли ёшдаги отлар ёриб кўрилди.


Ҳайвонлар тўпланадиган жойлар атрофидан 10 мингдан зиёд нусха қон сўрувчи икки канотлилар йиғилди ва уларнинг сетария личинкалари билан зарарланиши текширилди. Ҳашаротларни йиғиш ва текшириш умумқабул қилинган методлар асосида амалга оширилди [2]. Вояга етган сетарияларни морфологик ўрганиш тадқиқотчилар ишлари [4, 11] бўйича бажарилди.

Тадқиқот натижалари. *Setaria equina* – ингичка нематода бўлиб, ёрқин кулранг ёки сутсимон рангга эга. Эркаклари узунлиги 60-80 мм, эни 0,53-0,58 мм, иккита тенг бўлмаган (0, 232 ва 0,632 мм) спиккулага эга. Саккиз жуфт дум гўдачалари мавжуд. Ургочилари узунлиги 120 мм гача етади, эни 0,83-0,89 мм атрофида бўлади. Вульва тананинг олдинги қисмига яқин жойда очилади (2- ва 3-расмлар).



2-расм. *Setaria equina* нематодаси умумий кўриниши.

Сетариялар Қорақалпоғистон ҳудудида отлар ўртасида кенг тарқалган бўлиб, инвазия экстенсивлиги ўртача 30,5 % ни ташкил этади. Отларнинг зарарланиши асосан май - сентябрь ойларида амалга ошиб, бу чивинларнинг учиб муддати ва ҳайвонларга фаол ҳужум қилиш даври билан боғлиқ. Сетариялар личинкалари қурғоқчиликка ўта чидамли. Сувда 38°C ҳароратда 3-6 соатдан кўп яшамайди. Отлар қонида ҳаётчанлиги 36 соатгача етади. Препатент даври 8-10 ойна, сетариялар ҳаётчанлиги бир неча йилни ташкил этади.



3-расм. *Setaria equina* (Abildg, 1789).

1 - ургочисининг вульваси акс этган олд қисми; 2 – ургочисининг дум қисми; 3 –эркакисининг дум қисми латераль кўриниши.

Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, катта ёшдаги отлар сетариялар билан йил давомида касалланади. Инвазия экстенсивлиги йил давомида 19,5% дан 39,6% гача ўзгариб туради. Олиб борилган тадқиқотлар асосида инвазия интенсивлигининг энг юқори кўрсаткичи ёз ойларида тўғри келади (39,6%). Бу даврда микросетарияларнинг 1 мл қондаги микдори максимал даражага (20 нусхадан кўп) етади. Отларнинг ёз ойларида сетариялар билан зарарланишининг кўпайишига янги авлод сетарияларининг жинсий вояга етиши ва уларнинг репродуктив хусусиятларининг ошиши сабаб бўлиб, бу инвазиянинг циркуляциясини ва узатилиши учун шароитни таъминлаб беради. Кузда ва қишда инвазия экстенсивлиги маълум даражада пасаяди ва кейинчалик баҳорда яна кўтарила боради (1-жадвал).

Микросетарияларнинг 1 мл қондаги ўртача сони катта ёшдаги отларда 17 нусхани ташкил этиб, куз-қиш даврига қараб бу кўрсаткич 10 нусхагача па-

сайиб борса, ёз мавсумида эса 25 нусхагача кўпайиб боради. Бизнинг тадқиқотларимиз натижалари адабиёт маълумотларига [3] мос келади.

1-жадвал.

Қорақалпоғистон шароитида отларнинг *Setaria equine* нематодаси билан мавсумий зарарланиш динамикаси.

№	Йил мавсуми	Инвазия экстенсивлиги	Инвазия интенсивлиги
1	Баҳор	29,3±3,2	1-22
2	Ёз	39,6±3,8	1-56
3	Куз	33,7±3,1	1-29
4	Қиш	19,5±2,7	1-20

Сетариоз бўйича инвазия экстенсивлиги 1-2 ёшдаги тойлар ўртасида 5,3 %, 3-4 ёшдаги отларда – 9,6 %, 5-7 ёшдаги отларда – 18,7 %, 8 ёшдан катталарида – 28,5 % га тенг бўлиб, микросетариялар 1 мл қонда ўртача 4, 7, 16 ва 21 нусхани ташкил этди.

Биобарин, ҳайвонлар ёши катталашган сари уларнинг сетария билан зарарланиш экстенсивлиги ошиб боради ва шу билан биргаликда, қонда микро-сетариялар миқдори кўпаяди.

Тадқиқотларимиз натижаларига кўра, қон сўрувчи чивинлар *Setaria equina* нинг ҳаётий циклида оралик хўжайин вазифасини бажариши аниқланди. Улар *Aedes caspius*, *Culex pipiens* ва *Anopheles maculipennis* қон сўрувчи чивинлари бўлиб, *Setaria equina* личинкалари билан зарарланганлиги аниқланди.

Сетариозда патогенез инвазия интенсивлиги ва сетариянинг жойлашган жойига боғлиқ [3]. Сетариялар паразитлик қиладиган жойларда яллиғланиш ва йирингли-некротик жараёнлар кузатилади. Сетариялар билан зарарланган уруғдонларда атрофия ва дисфункция кузатилади. Кўзнинг жароҳатланиши мугуз парданинг хиралашиб қолишини келтириб чиқаради. Миграция қиляётган личинкалар бош ва орқа миягача етиб бориши ва энцефаломиелит ва бел парализини келтириб чиқариши мумкин.

Биобарин, сетариялар отлар организмиде паразитлик қилиши оқибатида, патологик ўзгаришларни келтириб чиқаради. Бу ўз навбатида инвазия интенсивлиги билан бевосита боғлиқ бўлади.

Тадқиқотлар Қорақалпоғистон шароитида отлар сетариози кенг тарқалганлигини кўрсатмоқда. Инвазия экстенсивлиги ўртача 30,5 % ни ташкил этади. Отлар сетариозининг кенг тарқалишига кўллар, ҳовузлар ва сув ҳавзалари атрофида сетариялар

оралиқ хўжайинлари – чивинлар концентрациясининг юқорилиги имконият туғдиради. Бу жойларда икки қанотлиларнинг ривожланиши ва отлар кўплаб тўпланиши учун барча шароитлар мавжуд. Юқори ҳарорат, етарли намлик, айниқса ботқокланган ва пасттекислик жойларда, кўл ва ҳовузлар яқинларида сетариоз инвазиянинг циркуляцияси учун жуда қулай шароитлар яратилади. Сетариоз инвазиясининг узатилиш механизмида оралик хўжайиннинг сетария билан зарарланган отларда қон сўриши ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Азимов Д.А. Трематоды - паразиты животных и человека. - Ташкент: Мехнат, 1986. - 128 с.
2. Аргинский Н. И. Насекомые и клещи, вредящие сельскохозяйственным животным. - Москва: Сельхозиздат, 1962. - С. 74–91.
3. Гришин Д.В., Архипов И.А. Рекомендации по диагностике, лечению и профилактике сетариоза лошадей // Российский паразитологический журнал. - Москва, 2008. - № 4. - С.105-108.
4. Ивашкин В.М., Двойнос Г.М. Определитель гельминтов лошадей. - Киев: Наукова думка, 1984. - 164 с.
5. Исмаилов Т.И. Экология и жизненные циклы гельминтов лошадей в Узбекистане.: Автореф. дисс. ... канд.биол.наук. – Ташкент, 1980. - 20 с.
6. Канокова А.С., Машуков А.В., Исаков Р.Л., Дзодзаева А.Х., Чапаев М.Б., Шагапсоева А.М. Гельминты лошадей Кабардино-Балкарской Республики // Российский паразитологический журнал. – Москва, 2008. - № 2. С. 48 - 51.
7. Сапаров К.А. Фауна, распространение и экология филляриат птиц и млекопитающих Узбекистана. АДД. - Ташкент, 2016. - 65 с.
8. Сафаев Я.С. Гельминты лошадей Узбекистана и эффективность антгельминтиков в борьбе с анаплазоцелларами и стронгилятозами.: Автореф. дисс. канд вет.наук. - Москва, 1973. -21 с.
9. Скрыбин К.И. Методы полных и неполных гельминтологических вскрытий, включая и человека. - М.:МГУ, 1928. - 45 с.
10. Султанов М.А., Азимов Д.А., Гехтин В.И., Муминов П.А. Гельминты домашних млекопитающих Узбекистана. -Ташкент: Фан, 1975. -148 с.
11. Anderson R. K. Nematode parasites of vertebrates: their development and transmission. – New York: CAB International, 2000. – 650 p.

СИСТЕМА МЕР ПО БОРЬБЕ С ИНВАЗИОННЫМИ БОЛЕЗНЯМИ ЖИВОТНЫХ

ПЛАНИРОВАНИЕ ПРОТИВОПАРАЗИТАРНЫХ МЕРОПРИЯТИЙ

Комплексная плановость мероприятий – одно из важнейших условий успешной работы ветеринарной службы. Она способствует правильной и своевременной организации всей деятельности специалистов, успешному выполнению мероприятий, рациональному использованию материальных и финансовых средств, рабочей силы и обеспечению высокого экономического эффекта при меньших затратах труда и средств. Планирование мероприятий определяется особенностями биологии паразита и эпизоотологии инвазионного заболевания. Оно обязательно для всех звеньев государственной и ведомственной ветеринарной службы.

Комплексный план должен включать в себя полноценное кормление животных, улучшение стойлового и пастбищного содержания, использование стойлово-выгульного и изолированного содержания молодняка, упорядочение санитарного состояния территории животноводческих помещений. Пастбищ сенокосов, утилизационных установок и площадок для убоя скота. Следует обратить особое внимание на плановость проведения химиофилактики, профилактических и лечебных обработок животных, дезинвазии, дезинсекции, дератизации помещений, навоза и территорий.

Требования, предъявляемые к плану профилактических и лечебных мероприятий. В зависимости от цели и задач планы составляют на перспективу (5-10 лет) и на текущий срок (1 год).

При составлении перспективного плана необходимо учитывать развитие и достижения ветеринарной науки, внедрение новых эффективных химиопрепаратов и методов, а также передового опыта. Следует предусматривать строительство ветучреждений кадров и материально-техническое оснащение ветучреждений.

Антропоознозы (описитрохоз, эхинококкоз, цистицеркозы крупного рогатого скота и свиней, трихинеллез, токсоплазмоз и некоторые другие) надо включать в перспективный план в первую очередь.

Текущие планы составляют с учетом выполнения перспективного плана. В плане предусматривают профилактику и лечение животных при широко распространенных и наносящих экономический ущерб инвазионных болезнях; проведение ветеринарно-санитарных мероприятий и их финансирование. Планы должны максимально содействовать выполнению государственных заданий по развитию животноводства.

Приступая к составлению плана, нужно учесть статистические показатели по той или иной инвазии за несколько лет, изучить паразитологическую ситуацию на фермах, пастбищах, водоемах и в целом. Виды работ должны быть конкретными, иметь количественное

выражение – календарные сроки выполнения и быть экономически целесообразными. Организационные мероприятия обязательно включают проведение среди животноводов разъяснительной работы с фасциолезами, диктиокаулезами, мониезиозами, кишечными нематодами большое значение имеет прогнозирование течения болезни.

ОСНОВЫ ПРОФИЛАКТИКИ ИНВАЗИОННЫХ БОЛЕЗНЕЙ В ЖИВОТНОВОДСТВЕ

По мнению К. И. Скрябина, современная профилактика использует два вида оздоровительных мероприятий: наступление и оборону. Методы наступательной профилактики направлены на активное истребление, физическое уничтожение возбудителя заболевания на всех фазах жизненного цикла механическим путем. Методы оборонной (пассивной) профилактики направлены на предотвращение заражения человека и животных.

Следует напомнить, что профилактические мероприятия при многих инвазионных заболеваниях значительно отличаются от таковых при инфекционных болезнях. Например, вакцинация против одного года. Однако дегельминтизация не может профилактировать реинвазию восприимчивых животных, если в окружающей среде сохраняется инвазионное начало. Это связано с тем, что специфические, как известно, не создают иммунитета.

Говоря о профилактике инвазионных болезней, не следует забывать о том, что есть возбудители, которые заражают как человека, так и животных (антропоознозы). Поэтому уничтожение возбудителей у одного, предотвращает заболевание у другого.

В целом в животноводстве достаточно широкого применяют биологические и химиофилактические методы. К биологическим методам относятся такие, при которых целенаправленные действия специалиста приводят к гибели инвазионного начала – яиц и личинок, взрослых особей, промежуточных хозяев или переносчиков, вследствие чего нарушается контакт возбудителя с реципиентом. К этим мероприятиям относятся распахивание земель и мелиоративные работы на пастбищах, их смена или изоляция неблагополучных участков с учетом продолжительности жизнеспособности яиц, личинок и т. д., создание долговечных культурных пастбищ, уничтожение кочек и кротовин, мелких кустарников, биотермия навоза,

Смена пастбищ в профилактике многих инвазионных болезней достаточно эффективна. Однако с учетом того, что в отдельных зонах страны пастбищные участки ограничены, этот метод следует применять в соответствии с территориальными возможностями путем краткосрочного чередования пастбищ. Например, при

диктиокаулезе в зависимости от времени года – 3-5 до 10-15 суток, при фасциолезе -1-1,5 мес. Но при мониезизах этот метод для хозяйств с ограниченными пастбищами не может быть использован, так как орибатида – промежуточные хозяева мониезий – живут до двух лет.

Применение химиопрофилактики в паразитологии разнообразно. Оно успешно может быть использовано против арахноэнтомозов, протозоозов и гельминтозов. При арахноэнтомозов применяют инсектоакарициды, которые, обладая длительной персистентностью, способны убывать как взрослых насекомых, клещей и их преимагинальные стадии. С этой целью, например, прикрепляют ушные бирки фирмы «Флектрон», которые содержат перметрин, длительно защищающий животных от нападения членистоногих. Для профилактики эффективны ивомек и цидектин (против многих эктопаразитов и клещей). Против гнуса и его отдельных компонентов высоко эффективна обработка крупного рогатого скота, лошадей и оленей водный эмульсией оксамата, терпеноидного репиллента и претроидов различной концентрации. Инсектоакарициды защищают животных от нападения членистоногих и тем самым профилактируют заражение их возбудителями трансмиссивных болезней.

С целью профилактики протозойных болезней химиопрепараты вводят животным парентерально с учетом времени года и эпизоотологической ситуации в данном регионе. Так для профилактики случной болезни в неблагополучных хозяйствах клинически здоровым жеребцам перед началом случного сезона и через 1,5 месяца после него вводят наганин. Введение крупному рогатому скоту беренила и азедина в эпизоотических очагах в начале вспышки пироплазмоза предохраняет животных от заболевания в течение 2-3 недель.

В некоторых случаях применение химиопрепаратов приводит лишь к снижению вирулентности протейших, что способствует возникновению у зараженных животных нестерильного иммунитета – премунции. Подобные приемы профилактики протозооза получили название митигирующей профилактики.

Наиболее широко химиопрепараты используют для профилактики гельминтозов. Каждая плановая дегельминтизация (имагинальная, преимагинальная или постимагинальная) имеет профилактическое значение при этом пресекается развитие патологических процессов в организме зараженного животного и предупреждает рассеивание инвазии во внешней среде.

Так, против стронгилятозов и мониезизов овец с этой целью в нашей стране давно применяют солефенотиазиную (в соотношении соответственно 9:1) и солефенотиазиномеднокупоросовую (1 часть сульфата меди + 10 частей фенотиазина + 100 частей поваренной соли) смеси. Смеси дают длительное время в деревянных корытах, над ними предусматривают навесы от дождя. Брикеты из этих смесей для профилактики менее эффективны.

В Сибири против мониезиза рекомендуют применять корбонат меди в дозе 1,0-1,5 г. в смеси 70-100 г.

комбиркома в расчете на одно животное в возрасте от 3 мес. до 12 лет и в дозе 1,5-2,0 г. со 100-150 г. корма взрослой овце. Смесь давали в течение 3 мес. с перерывами 15 суток. Необходимый эффект достигается только в том случае, если строго соблюдать научно обоснованные сроки, кратность и продолжительность применения с учетом особенности распространения и развития инвазии.

Во избежание интоксикации организма при длительном применении смесей сульфата меди следует добавлять в смесь сульфат магния и другие.

Длительное применение фенотиазина, в стойловый период снижает переваримость кормов и обуславливает интоксикацию организма. По этому, в каждом случае использование указанных смесей нужно конкретно знать оптимальные сроки применения химиопрофилактики. Например, в Нечерноземье молодняк овец массово заражается личинками кишечных и легочных стронгилят в августе и сентябре, следовательно солефенотиазиную смесь весьма рационально, давать в этот период. Если имеет место осложнение гельминтозов вторичными инфекциями, химиопрофилактическим средствам следует добавлять те или иные антибиотики, сульфаниламидные препараты и др.

Борьбу с паразитарными заболеваниями в условиях промышленного скотоводства, необходимо вести с учетом технологии ведения отраслей (специализированных хозяйств крупно рогатого скота, доращиванию телят и откорму телят, производству молока и по выращиванию телок и нетелей для репродукции).

Прежде всего, на промышленных фермах значительно ограничено роль пастбищ. Более широко стали применять выгул на специальных отведенных площадках, в месте естественных условий культурные пастбища, для поения – водопроводной водой. Значительно улучшается санитарное состояние, в которых устраивают щелевые полы и гидросмыв, животные получают полноценные корма. В таких условиях резко сокращается возможность заражения возбудителя фасциолеза, диктиокаулеза, гепадерматоза, но возникает опасность заболевания цистицеркозом и некоторыми кишечными неаматодозами, онхоцеркозом, эймериозом, эхинококкозом, псороптозом, хориоптозом.

При комплектовании откормочного поголовья в хозяйствах показатели или иной инвазии за несколько лет изучит паразитологические ситуации на фермах, пастбищах, водоемах и в целом. Виды работ конкретными имеет количественное выражение - календарные сроки выполнения и быт экономическими целесообразными. Организационные мероприятия обязательно включают проведение среди животноводов разъяснительной работы с использованием всех средств массовых информаций.

При борьбе с фасциолезами, диктиокаулезами, мониезизами кишечными нематодозами большое значение имеет прогнозирования течения болезней.

Б.Сайиткулов, к.в.н.,

подготовлено по материалам Интернета

УДК: 619: 636.7: 591,469:616-006

Жабборов Аббосжон Ғаффоржонович, магистрант,
Нарзиев Бахтиёр Долиевич, в.ф.н., доцент, илмий раҳбар,
Юлчиев Жасурбек Баходирович, PhD, ассистент, СамВМИ

СУТ БЕЗИ ЎСМАСИ БИЛАН КАСАЛЛАНГАН ИТЛАРНИНГ КЛИНИК-ФИЗИОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Аннотация

В данной статье дана информация о клинко-физиологических изменениях при опухолях молочной железы среди служебных и частности собак города Самарканд.

Калим сўзлар: сут беzi, ўсма, онкология, кинология, клиник-физиологик текшириш, лаборатор текшириш.

Abstract

In this article was given information an about clinic-physiological exchanges on mammary tumors service dogs and under supervising of inhibitions of Samarkand city.

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз сарҳадларида тинчлик ва осойишталикни сақлаш, терроризм, курул ва портловчи моддалар ҳамда наркотикларнинг республикамиз худудига киришини олдини олиш, жиноятчилик ва аҳоли тинчлигини сақлашда хизмат итларининг вазифалари бекиёсдир. Бугунги кунда мамлакатимизнинг чегара қўшинларида, божхона хизматида, давлат хавфсизлиги хизматларида, республика ва вилоят ИИБ ҳамда фавкулотда вазиятлар вазирликларида кинология хизматлари ва кинология питомниклари ташкил этилган бўлиб, уларда хизмат итларини кўпайтириш, ўргатиш ва хизмат хусусиятларини ошириш бўйича тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Хизмат итлари ва аҳоли қарамоғида сақланадиган итларнинг саломатлигини сақлаш, касалликларини даволаш ва олдини олиш ҳамда инсонларни зооантропоноз касалликлардан ҳимоя қилиш ветеринария мутахассисларининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Охириги йилларда ҳайвонларда ҳам жарроҳлик касалликлари орасида кенг тарқалиб бораётган патология - бу ўсмалар патологияси бўлиб, умумий касалликларнинг 5-10% ни ташкил қилмоқда. Ўсмалар муаммоси биологик ва тиббиёт - ветеринария нуқтаи назардан соҳа мутахассисларида катта ташвиш туғдиради. Бу муаммони ҳал қилиш мақсадида кўпгина олимлар томонидан бир қатор янги илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда [1,2].

Тадқиқотлар материаллари ва методлари. Тадқиқотлар Самарқанд ва Навоий вилоятлари ички Ишлар бошқармалари кинология хизмати питомниклари, чегара қўшинларига қарашли кинология питомниги ва Самарқанд вилояти божхона бошқармаси кинология хизмати тасарруфидаги хизмат итлари шунингдек, аҳоли қарамоғидаги итларда, Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг «Ветеринария жарроҳлиги ва акушерлик» кафедраси қошидаги жарроҳлик клиникасида, институт виварийсида, Самарқанд вилоят онкология марказида, Самарқанд шаҳар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимидаги итларда ўтказилди.

Олинган натижалар таҳлили. Касал итлар умумий қабул қилинган клиник текшириш усуллари ёрдамида иштаҳаси, тана ҳарорати, пулси ва нафас сони аниқланди, шунингдек, ўсма касалликларига хос клиник белгиларнинг бори-йўқлигига ҳам эътибор берилди. Бунда асосан сут беzi ўсмаларининг белгиларидан ҳисобланган сут беzi ҳажмининг ўзгариши, консистенциясининг қаттиқлашиши, флюктуация товушларининг мавжудлиги, тугунчалар ва шишлар ҳосил бўлиши, қизариш, маҳаллий ҳароратнинг ортиши, оғрикнинг мавжудлиги, шунингдек, шиллик пардалар рангининг оқариши, кўзларининг ёшланиши, итларнинг ҳаракатланишини қийинлашиши каби белгиларга эътибор берилди [2].

Текширишлар давомида касал итларнинг тана ҳарорати ва нафас сони физиологик меъёрлар чегарасида бўлиши қайд этилди.

Итларни диспансерлаш натижасида аниқланган 80 бош сут беzi ўсмаси билан касалланган итларнинг клиник-физиологик ҳолати, ўсмаларнинг жойлашиш жойи, ҳажми турлича кўринишга эга бўлди (1-жадвал).

Тажрибадаги сут беzi ўсмаси билан касалланган итларда ўсмаларнинг ҳажми, итларнинг зоти, ёши ва яшаш шароитига боғлиқ равишда оддий тугун ҳажмидан то чақалоқ боши ҳажмигача бўлган ҳолатлар қайд этилди.

Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси кинология питомнигида сақланадиган итлар орасида жами 5 бош (6,25%) итларда, 4 бош Шарқий Европа овчаркаси ва 1 бош ротвейлер зотларига мансуб итларда сут беzi ўсмалари кузатилди. Итларнинг ўртача ёши эса 6,3 ёшни ташкил этди. Ўсиб чиққан ўсмаларнинг катталиги ва ҳажми майда тугунча ҳажмидан ёнғоқ шаклигача ҳолатлар аниқланди, яъни сут беzi ўсмаларининг ўртача ҳажми 1,5х2,3 см ни ташкил этди. Ҳар бир итда ўртача ўсмаларнинг сони 1,4 тани ташкил этди, яъни ўсма билан касалланган 5 бош итда 7 та кичик ҳажмдаги сут беzi ўсмалари қайд этилди. Ўсмалар асосан охириги сут безлари паренхимасида, яъни IV, V жуфт сут безлари-

1-жадвал.

Диспансер тадқиқотлари натижасида сут беzi ўсмаси билан касалланган итларнинг клиник кўрсаткичлари.

№	Тадқиқот ўтказилган ҳудудлар	Касал итлар сони	Фоиизи (%)	Касал итларнинг ўртача ёши	Касал итларда ўсмаларнинг ўртача ҳажми, см.	Касал итларнинг ўртача тана ҳарорати, С.
1	Самарқанд вилояти ИИБ питомниги	5	6,25	6,3	1,5-2,3	38,7
2	Навоий вилояти ИИБ питомниги	8	10	6,1	1,8-2,6	38,5
3	Ҳарбий қисм питомниги	10	12,5	6,5	1,2-2,1	38,8
4	Самарқанд шаҳар аҳоли қарамоғидаги итлар	57	71,25	6,8	5,2-8,3	39
5	Жами:	80	100	6,4	2,4-3,8	38,75

да кузатилди. Ўсмаларнинг консистенцияси қаттиқ, шакли тугунсимон, нотекис, алвеоляр шаклда бўлиб, маҳаллий ҳарорат, оғриқ ва флюктуация товушлари аниқланмади.



1-расм. Рус спаниезли зотли итда сут безининг фибромаси.

Навоий вилояти ички ишлар бошқармаси кинология питомнигида сақланадиган итлар орасида жами 8 бош (10%) итларда, 4 бош Шарқий Европа овчаркаси ва 1 бош ротвейлер ва 3 бош рус ва англия спаниели зотларига мансуб итларда, яъни сут беzi ўсмалари кузатилди. Итларнинг ўртача ёши эса 6,1 ёшни ташкил этди. Ўсиб чиққан ўсмаларнинг катталиги ва ҳажми майда тугунча ҳажмидан ёнғоқ шаклигача ҳолатлар аниқланди, яъни сут беzi ўсмаларининг ўртача ҳажми 1,8x2,6 см ни ташкил этди. Ҳар бир итда ўртача ўсмаларнинг сони 1,25 тани ташкил этди, яъни ўсма билан касалланган 8 бош итда 10 та кичик ҳажмдаги сут беzi ўсмалари қайд этилди.

Ўсмалар асосан охириги сут безлари паренхимасида, яъни IV, V жуфт сут безларида шунингдек, I ва II жуфт сут безларида ҳам кузатилди. Ўсмаларнинг консистенцияси қаттиқ, шакли тугунсимон, нотекис, алвеоляр шаклда бўлиб,

маҳаллий ҳарорат, оғриқ ва флюктуация товушлари аниқланмади.

Жиззах вилоятида жойлашган кинология маркази питомнигида сақланадиган итлар орасидан 10 бош (12,5%) итларда турли катталиқдаги сут беzi ўсмалари мавжудлиги қайд этилди. Бунда 3 бош Шарқий Европа овчаркаси, 1 бош немис овчаркаси, 2 бош малинуа ва 1 бош лабрадор, 1 бош Ўрта Осиё овчаркаси ва 2 бош рус ва англия спаниели зотларига мансуб итларда (1-расм) сут беzi ўсмалари кузатилди. Итларнинг ўртача ёши эса 6,5 ёшни ташкил этди. Ўсиб чиққан ўсмаларнинг катталиги ва ҳажми майда тугунча ҳажмидан ёнғоқ шаклигача ҳолатлар аниқланди, яъни сут беzi ўсмаларининг ўртача ҳажми 1,2x2,1 см ни ташкил этди. Ҳар бир итда ўртача ўсмаларнинг сони 1 тани ташкил этди, яъни ўсма билан касалланган 10 бош итда 10 та кичик ҳажмдаги сут беzi ўсмалари қайд этилди. Ўсмалар асосан охириги сут безлари паренхимасида, яъни IV, V жуфт сут безларида шунингдек, I ва II жуфт сут безларида ҳам кузатилди. Ўсмаларнинг консистенцияси қаттиқ, шакли тугунсимон, нотекис, алвеоляр шаклда бўлиб, маҳаллий ҳарорат, оғриқ ва флюктуация товушлари аниқланмади.



2-расм. Маҳаллий зотли итда сут беzi саркомаси.

Юқорида кинология марказларида сақланадиган итлар орасида аниқланган сут беzi ўсмалари

ўсишнинг дастлабки бошланғич босқичида кечиб, ўсиш даражаси паст даражани ташкил этди.

Самарқанд шахри аҳолиси қарамоғидаги 57 бош (71,25%) итларда турли ҳажмдаги ва турли босқичдаги сут беzi ўсмалари қайд этилди [1].

Бунда ўсма билан касалланган итларнинг асосий қисмини маҳаллий зотли ёки зотсиз итлар ташкил этди. Кейинги ўринларда мос равишда аралаш зотли итлар, боксер, пудел ва болонкаларда сут беzi ўсмаларининг ҳосил бўлиши кузатилди (2-расм). Ўсма билан касалланишнинг итларда ўртача ёши 6,8 ёшни ташкил этди. Аниқланган ўсмаларнинг ҳажми эса турли шаклда бўлиб, асосан ит эгаларининг эътиборсизлиги, ветеринария мутахассисларига мурожаат этмаслиги натижасида ўсмаларнинг катта ҳажмдаги турлари ҳам аниқланди. Шунинг учун ўртача аниқланган ўсмаларнинг ҳажми 5,2x8,3 см ни ташкил этди. Ҳар бир итда ўртача ўсмаларнинг сони 1,08 тани ташкил этди, яъни ўсма билан касалланган 57 бош итда 62 та турли ҳажмдаги сут беzi ўсмалари қайд этилди.



3-расм. Сут беzi ўсмаси билан касалланган итларни клиник текшириши.

Ўсмалар барча сут безларида, асосан охирги сут безлари паренхимасида, яъни IV, V жуфт сут безларида, шунингдек, I ва II жуфт сут безларида ҳам кузатилди. Ўсмаларнинг консистенцияси турлича бўлиб бу ўсмаларнинг ўсиш босқичларига боғлиқ ҳолатда қаттиқ, юмшоқ, хамирсимон, шакли тугунсимон, нотекис, алвеоляр, нотипик шакллардалиги аниқланди. Ўсиш даражасининг 2, 3- даражаси кузатилган ўсмаларда маҳаллий ҳарорат, оғриқ ва флюктуация товушлари аниқланди. Айрим итларда ўсмаларни ўсишининг 4- даражаси кузатилиб, ўсма тўқимасининг емирилиши, некрози, пролефератив

ва дегенератив жараёнлар кузатилди. Бунда ўсма паренхимасининг юмшаши, қорайиши, ўсма тўқимаси алвеолаларидан пролефератив экссудатларнинг оқиши, кучли оғриқ, итларда шиллиқ пардаларнинг оқариши, сарғайиши, ҳаракатланишнинг пасайиши, ноқулай бўлиши, ҳатто айрим майда зотли итларда сут беzi ўсмаларининг осилиб қолиш ҳолатлари ҳам қайд этилди (3-расм).

Сут беzi ўсмаси билан касалланган итларни клиник текширишлардан ўтказиш билан шундай ҳулосага келдикки, уларда ўсма патологияси мураккаб патология тарзида кузатилиб, камқонлик, иштаҳанинг ўзгариши, сут безларида турли ҳажмдаги шишларнинг пайдо бўлиши, сут безининг тери ва тери қопламасида ўзгаришлар кузатилиши, маҳаллий ҳарорат, оғриқ ва некротик жараёнларнинг кечиши, итларнинг ҳаракатланишида қийинчиликлар пайдо бўлиши билан характерланади [3,4].

Хулосалар.

1. Мамлакатимизда хизмат ва аҳоли қарамоғидаги итлар орасида барча турдаги ўсмаларнинг тарқалиши 5-7% бўлиб, шундан 35-40% ни сут беzi ўсмалари, 8% ни таносил ўсмалар, 5-7% ни фиброма ва липомалар, 5-8% ни тери ўсмалари ва гигромалар ҳамда 22-25% ни эса аралаш турдаги ўсмалар ташкил этади.

2. Итлар организмида сут беzi ўсмаларининг ўсиши, кўпайиши организмнинг барча тизимлари (РЭС, химоя мослашув, иммунобиологик, эндокрин, қонининг морфологик ва биокимёвий кўрсаткичлари) фаолиятига салбий таъсир қилади.

3. Сут беzi ўсмалари асосан итларнинг охирги IV ва V жуфт сут безларида кўп учраб, уларнинг катталиги оддий тугунча шаклидан то чақалоқ боши катталигигача бўлиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Нарзиев Б.Д., Бобоноров О., Расулова Н. Самарқанд шахрида итлар орасида ўсмаларнинг тарқалиши ва уларнинг олдини олиш. “Фермер хўжаликларини ривожлантириш истикболлари”. СамҚХИ, 2009 йил, 1-қисм, 153-154- бетлар.

2. Корсун А.Н. Диагностика и лечение опухолевых заболеваний мелких домашних животных. Тезисы региональной конференции по актуальным проблемам вет. медицины мелких домашних животных. Краснодар, 2001. С.28-30.

3. Morris J., Dobson J. Skin. In: Small Animal Oncology. 1st ed Oxford: Blackwell Science Ltd; 2001. p. 50-68.

4. Withrow S.J. Chapter 3: The pathology of neoplasia. In: Small Animal Clinical Oncology. Missouri: Saunders; 2007. p. 54-67.

Х.Б. Ниязов, доктор ветеринарных наук, доцент,
А.К. Рузибаев, ассистент, Х.Ж. Фаттоев и Н.Б. Эргашев,
магистры Самаркандский институт ветеринарной
медицины

ПРОФИЛАКТИКА АСЕПТИЧЕСКИХ ВОСПАЛЕНИЙ СУСТАВОВ КОНЕЧНОСТЕЙ У СПОРТИВНЫХ ЛОШАДЕЙ

Аннотация

На основании клинических наблюдений исследования биохимических, а также иммунологических показателей крови нами было доказано, что наиболее эффективным методом для профилактики асептических воспалений суставов лошадей ежедневный пассивный и активный моцион на выгульных площадках по 2 часа утром и вечером. С целью лечения осложнений открытых ран пальцев и предупреждения заболеваний копыт проводить их через специальные бетонированные ванны с 2% раствором формалина каждые 20 дней по 2-3 дня. Кроме этого, с целью стимуляции защитных свойств организма один раз в месяц внутримышечно вводить животным аутокровь, облучённую неон-гелиевым лазерным лучом по 0,5 мл/кг живой массы и по 4 мл хондролон.

Annotation

On the basis of clinical observation of studies of biological and immunological parameters of blood, we have proved that the effective method for the prevention of aseptic inflammation of the joints of the horses is daily passive and active exercises on walking grounds for 2 hours in the morning and evening. In order to treat complications of open finger wounds and prevent hoof diseases, bring them through special concrete baths with a 2% formalin every 20 days for 2-3 days. Besides for stimulating the protective properties of the body, once a month intramuscularly inject to animals an autologous blood irradiated by a neon-helium laser beams at 0.5ml/kg body weight and 4ml of chondrolone.

Ключевые слова: аутокровь, хондролон, периартикулярный фиброзит, синовит, артрит, низкочастотный лазер, сустав, парентеральное введение.

Введение. Среди незаразных патологий лошадей значительное место занимают болезни суставов конечностей. Они широко распространены среди спортивных лошадей и наносят большой экономический ущерб, который слогається на снижения работоспособности, а также преждевременной выбраковки больных животных.

Анализ отечественной и зарубежной литературы показывает, что в возникновении артрологической патологии немаловажное значение имеют условия содержания и кормления животных, так, например, засорение зерновых ядовитыми растениями. В работах К.И. Шакалов 1952г, М.В. Плахотин и др. 1981, Х.З. Ибрагимов 1973, Т.Б. Боймуратов и др., 1986, К. Н. Норбаев 1990, Н.Ш. Давлатов 1993, П.Гринаф, и др., 1976, Dan W. Upson, 1981, Вогель Колин Дж., 2000, Гуревич Д.Я., 2000, Крессе Вольфганг, 1999, Ливанова Т.К, 2000 и других написано, что причиной артропатий у домашних животных могут быть заболевания суставов токсико-аллергического происхождения. Кроме этого, резкое ухудшение экологического состояния региона приводит к снижению резистентности организма животных, которая также может быть причиной заболевания суставов. Все это требует нового подхода к решению вопросов этиопатогенеза, современных методов диагностики, лечения и разработки профилактических мер болезней сустава дистального отрезка конечностей у лошадей, используемых в спортивных целях и в национальных состязаниях.

Одним из методов, позволяющих сохранить

работоспособность спортивных лошадей, является применение низкоинтенсивного лазерного излучения при различных заболеваниях животных, в том числе деструктивных изменениях в опорно-двигательном аппарате. Терапевтические свойства энергии лазерного облучения объясняются положительным влиянием на ферментативные системы, стимуляцией нервной, эндокринной и иммунной систем, активацией гемопоэза (Тимофеев С.В, Шадская А.В., 2007; Барсукова Н.А., 2008).

Цель и задачи исследования. Все это требует нового подхода к решению вопросов этиопатогенеза, современных методов диагностики, разработки профилактических мер болезней сустава дистального отрезка конечностей у лошадей.

С целью разработки профилактических мер асептических воспалений суставов и изучения экономической эффективности препаратов проводили научно-производственные опыты.

Материал и методы исследования. В последующих стадиях исследований, с целью разработки определённых мероприятий, направленных на применение профилактического комплекса против хронического синовита и периартикулярного фиброзита, проводились научно-хозяйственные эксперименты на лошадях использующихся в конном спорте и купкари, принадлежащих "TurOrient" М.Ч.Ж. Самаркандского района, для этого были отобраны 20 голов лошадей, которых по принципу аналогов разделили на 2 группы по 10 голов в каждой.

Эксперименты проводились, в основном, в осенние и зимние месяцы, в период сезона купкари. Животным первой экспериментальной группы каждый день, по 2 раза, предоставлялся активный и пассивный моцион на выгульных площадках, по 2 часа утром и вечером. Места содержания животных и выгульные площадки для моциона до и во время эксперимента очищались от предметов могущих травмировать животных. Кроме этого, копыта животных этой группы клинически обследовались до и во время эксперимента и основное внимание оказывалось состоянию копыта и подковы. С целью лечения осложнений открытых ран пальцев и предупреждения заболеваний копыт, животные проводились через специальные бетонированные ванны с 2% раствором формалина каждые 20 дней по 2-3 дня. После высыхания стенки копыта на протяжении 2-3 дней смазывались дёгтем.

Учитывая, что входящий в рацион первой группы лошадей ячмень может быть с примесью аккурая, триходесмы и других ядовитых растений, растущих в нашей республике и, что они могут вызывать разного вида токсико-аллергические состояния, ячмень, входящий в состав рациона, всё время проверялся. С целью стимуляции защитных свойств организма животным этой группы в месяц один раз внутримышечно, вводили аутокровь, облучённую неон-гелиевым лазерным лучом по 0,5 мл/кг живой массы и по 4 мл хондролон. Кормление животных второй группы осуществлялось по рациону хозяйства.

Результаты исследований. Животным первой группы в течение 4 месяцев предоставлялся постоянный моцион на выгульных площадках. Ячмень, входящий в состав рациона, всё время очищался от семян ядовитых растений, кроме этого, один раз в месяц вводили внутримышечно аутокровь, облучённую неон-гелиевым лазерным лучом по 0,5 мл/кг живой массы и по 4 мл хондролон. В результате, у животных этой группы синовит не наблюдался и лишь у одного животного был выявлен периартикулярный фиброзит, развившийся после травмы, полученной в спортивной игре.



У 4 голов лошадей второй контрольной группы наблюдался периартикулярный фиброзит с отчётливыми клиническими признаками, а у 2 голов был выявлен синовит.

При применении профилактического комплекса для предупреждения развития хронического воспаления суставов лошадей, у животных первой группы наблюдались значительные изменения в гематологических показателях крови. Количество эритроцитов к концу эксперимента увеличилось на 15,3% по сравнению с первоначальными показателями а у животных второй группы этот показатель снизился на 2%. Количество лейкоцитов в крови у животных первой и второй групп увеличивалось на всём протяжении исследования и повысилось по сравнению с первоначальными показателями на 8,3 и 9,6% соответственно. Количество гемоглобина крови животных первой группы увеличивалось соответственно эритроцитам на всём протяжении исследования и в конце эксперимента увеличилось на 11,9%. А количество гемоглобина крови животных второй группы в конце эксперимента уменьшилось на 1,1%. Процент лимфоцитов в лейкоформуле крови животных первой группы в конце первого эксперимента увеличился на 14,7% а у животных второй группы на 2,7%.

Биохимические изменения в сыворотке крови происходили следующим образом, количество общего белка продолжало увеличиваться и концу эксперимента достигло 9,3% а у животных второй группы уменьшилось на 4,8%.

Количество альбуминов и гамма-глобулинов в белковой фракции сыворотки крови животных первой группы к концу эксперимента увеличилось на 5,2 и 11,4% соответственно. Количество альфа- и бета-глобулинов в конце эксперимента по отношению к предыдущим показателям уменьшилось на 15,8 и 10,2% соответственно. У животных второй группы количество альбуминов и альфа-глобулинов в конце эксперимента увеличилось соответственно на 13,5 и 24,4% а бета и гамма-глобулинов по отношению к предыдущим показателям уменьшилось соответственно на 10,5 и 26,9%.

Заметные изменения иммунологических показателей крови лошадей в основном наблюдались у животных первой группы, при этом относительное количество Т-лимфоцитов в конце эксперимента по отношению к предыдущим показателям повысилось на 12,4%, их абсолютное количество на 50%, относительное количество В-лимфоцитов на 22,5%, их абсолютное количество на 27,2%. Количество А,

М и G-иммуноглобулинов в конце эксперимента по отношению к предыдущим показателям повысилось на 66,6, 42,8 и 25,3% соответственно.

Заключение. Исходя из полученных данных, для профилактики асептических воспалений суставов лошадей, мы рекомендуем животным предоставлять ежедневный пассивный и активный моцион на выгульных площадках по 2 часа, утром и вечером. С целью лечения осложнений открытых ран пальцев и предупреждения заболеваний копыт проводить их через специальные бетонированные ванны с 2% раствором формалина каждые 20 дней по 2-3 дня. После высыхания на протяжении 2-3 дней смазывать дёгтем стенки копыт. Учитывая, что входящий в рацион лошадей ячмень может быть с примесью аккурая, триходесмы и других ядовитых растений, растущих в нашей республике и что они могут вызвать разного вида токсико-аллергические состояния, должен регулярно проверяться. Кроме этого, с целью стимуляции защитных свойств организма один раз в месяц внутримышечно вводить животным аутокровь, облучённую неон-гелиевым лазерным лучом по 0,5 мл/кг живой массы и по 4 мл хондролона.

Выявлено, что причинами хронического периастикулярного фиброза у спортивных лошадей - факторы травматического характера. При этом нарушаются функции органов движения, морфобиохимические и иммунологические показатели крови и функциональное состояние суставов.

Выявив этиологию, патогенез и раннюю диагностику при хронических асептических воспалениях суставов у лошадей, изучена экономическая эффективность групповой профилактики с применением в течение 20 дней 2% формалиновой ванны, ежедневной обработки стенки копыт животных дёгтем в течение 2-3 дней а также применение аутокрови, облучённой неон-гелиевым лазером и хондролона.

Выводы.

1. В сезон купкари, в основном в осенние и зимние месяцы, с целью предупреждения асептических воспалений суставов, предоставления лошадям по 2 раза по 2 часа утром и вечером ежедневного активного и пассивного моционов на выгульных площадках, обрезке копыт и замене подков, проведению через специальные бетонированные ванны с 2% раствором формалина каждые 20 дней по 2-3 дня для предупреждения гнойных процессов пальцев, очистке ячменя, входящего в состав рациона лошадей от семян аккурая, триходесмы, и других

ядовитых растений, растущих в нашей республике, введения один раз в месяц внутримышечно аутокрови, облучённой неон-гелиевым лазерным лучом по 0,5 мл/кг живой массы и по 4 мл хондролона с целью стимуляции защитных свойств организма, позволило за счёт резкого уменьшения случаев хронического синовита и периастикулярного фиброза у животных.

2. Рекомендуется 4-месячный метод групповой лечебной профилактики асептических болезней суставов у лошадей, основанный на предоставлении лошадям ежедневного по двухразового 2 часового моциона, обрезке копыт каждые 3 месяца, проведении через 2% формалиновые ванны каждые 20 дней по 2-3 дня, очистке ячменя, входящего в состав рациона лошадей от семян ядовитых растений и введении внутримышечно аутокрови, облучённой неон-гелиевым лазерным лучом один раз в месяц по 0,5 мл/кг живой массы и по 4 мл хондролона.

Список использованной литературы:

1. Барсукова Н.А. Эффективность лечения больных остеоартрозом с реактивным периастиритом низкоинтенсивным лазерным излучением в сочетании с хондропротекторами: автореф. дис. . канд. мед. наук. -Воронеж, 2008. -22 с.
2. Гринаф П., Маккалум Ф., Уивер А. «Болезни конечностей крупного рогатого скота» М. Колос, 1976, с.224-248.
3. Вогель Колин Дж. Ветеринарная помощь лошадям. М.:Аквариум, 2000-132с.
4. Кресе Вольфганг. Лошади. Содержание, уход и лечение. - М.: Аквариум, 1999.-320 с.
5. Гуревич Д.Я. Справочник по конному спорту и коневодству.- М.: Центрполиграф, 2000.-326с.
6. Ливанова Т.К. Ветеринарные консультации для владельцев лошадей.-М.:Аквариум,2000.-240с.
7. Давлатов Н.Ш. Отравление госсиполом (госсиполотоксикоз) сельскохозяйственных животных и меры профилактики.: Автореферат дис. Док.вет.наук – Самарканд: 1993. – 32 с.
8. Баймуродов Т.Б., Ибодуллоев Ф.И., Арутюнянц С.И. и др. Использование хлопчатникового шрота в рационе крупного рогатого скота. /Инфор.листок научно-исслед. Инс-та НТС и ТЭН Госплана УзССР, 1986. с.11
9. Норбоев К.Н. Показатели крови при экспериментально вызванном гипотозом. // Ветеринария. -1990. -№1.-С. 57-59.
10. Ибрагимов Х. З., Товмасян Д.А. Характеристика токсикозов животных Узбекистана и меры борьбы с ними. // Тр. УзНИВИ. -1973. –Т. 23.С.28-32.
11. Шакалов К.И. Болезни конечностей лошади – Москва-Ленинград Гос изд-во сельхоз литературы, 1952. - 291-361 с.
12. Плахотин М.В., Белов А.Д., Есютин А.В. и др. Общая ветеринарная хирургия – Москва Колос 1981. – 415 с.
13. Тимофеев С.В. Рефлексотерапия и её применение в ветеринарии / С.В. Тимофеев, А.В. Шадская // Ветеринарная медицина. — 2007. № 3-4. — С. 27-29.
12. Dan W. Upson, D.V.M., handbook of “Clinical veterinary pharmacology”, Kansas, 1981, P. 443.

УДК 619:639.3:576.89:578:615

Қурбонов Феруз Инатиллаевич, таянч докторант,
Даминов Асадулло Сувонович, в.ф.д., профессор, илмий
раҳбар, СамВМИМОНЕЗОЛ ПРЕПАРАТИНИ БАЛИҚЛАРНИНГ ЦЕСТОДОЗЛАРИГА
ҚАРШИ САМАРАДОРЛИГИ

Аннотация

В данной статье приведены сведения литературных данных о лечении и профилактике цестодозов, а также результаты собственных исследований по эффективности антгельминтного препарата «Монезол» при лечении цестодозов рыб.

Annotation

In this article have been given the literature data about the treatment and prophylactics against cestodosis and also the effectivity of antigelment preparatus "Monezola" against cestodosis in fish treatment.

Калим сўзлар: Цестод, монезол, зоопаразитология, гельминтологик, паразитологик, оргоналептик, монезия, стробила, трематодоз, микроскопик, ихтиологик, ихтиопаразитологик.

Мавзунинг долзарблиги. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳар қандай мамлакатнинг давлат сиёсати ва илмий-тадқиқот объектининг муҳим устувор йўналиши ҳисобланади. Мамлакатимиз аҳолисини сифатли экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, балиқчиликда селекция ишларини илмий асосда ташкил этиш, балиқларда учрайдиган турли юкумли, юкумсиз ва инвазион касалликларни даволаш ва олдини олиш, соҳага илм-фан ютуқлари, инновацион ишланмаларни жорий этиш бугунги куннинг муҳим долзарб вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Лентасимон гельминтларни (цестодлар) балиқлар организмида паразитлик қилиши оқибатида ўлим нисбатан камроқ кузатилади, аммо касалланган балиқларнинг ўсиш ва ривожланишини кескин пасайиши, истеъмол қилинган озуқа маҳсулотини самарадорлигини камайиб, наслдорлик хусусиятларини ёмонлашиб кетиши натижасида балиқчилик хўжаликларида жиддий иқтисодий зарар етказилади. [3]

Балиқларнинг паразитар касалликлари ичидан цестодозлар кенг тарқалган гельминтозлар қаторидан жой олиб келмоқда. Ҳозирга қадар балиқларнинг паразитар касалликларини даволаш ва профилактикасида асосий ўринни химиятерапия эгалламоқда. [4]

Медицина ва ветеринария амалиётида ичак цестодозларини даволашда фенасал, бензамид, вермитид, гелмиантин, девирмин, йомезан, дихлосал, трихлосал, фенолидон, цестоцид, циклозамид каби препаратлардан кенг фойдаланиб келинган. [2]

Таҳлил қилган адабиёт манбаларимизда ичак цестодозларига қарши қўлланилган антигельминтик препаратлар йомезан [11] қўй ва қўзиларга 0,05-0,08 г/кг, бузоқларга 0,045-0,159 г/кг дозада

қўлланилганда монезия, авителлина ва стилизиядан тўлиқ халос бўлган. Кейинчалик йомазен дунёнинг жуда кўпчилиги мамлакатларида қўлланиб, ҳамма вақт амалда жуда юқори самара берган. Кейинчалик 1963 йилда муаллиф [12] йомазенни аналогли линтексни 0,05 г/кг дозада қўйлар монезиозига қарши қўллаб 84,9-99,9% самарадорликка эришган.

МХД да биринчи марта фенасални спонтан монезия билан зарарланган қўзичоқларга [7] қўллаш натижасида, монезияларнинг ёш ва вояга етган шаклларида юқори самара беришини аниқлашган. Кейинчалик ушбу маълумотларни тадқиқотчилар томонидан қайта ўтказилган тажрибалар [8] тасдиқлаган.

Йомазен препаратини таъсир механизмини ўрганган тадқиқотчилар [10] ушбу препарат дастлаб цестодни кутикула қаватини бузади, кейинчалик сколекси, стробиласига таъсир ўтказиши, сўнг протеолитик ферментлар таъсирида цестодларнинг овқат ҳазм тракти фаолиятини ишдан чиқаришини аниқлашган. Гельминтология соҳасида кўп йиллик тажрибага эга бўлган олимларнинг берган хулосаларига кўра, фенасал препаратининг одам ва ҳайвонларга токсик таъсири жуда кам [8].

Муаллифлар [11] фенасал препаратини қўзичоқларга 5-10 марта белгиланган терапевтик дозадан ортиқ (250-500 г/кг) қўлланилганда ҳам ҳеч қандай заҳарланиш белгилари кузатилмаганини қайд этишган.

Фенасал глюкозани паразитлар томонидан ўзлаштириш жараёнини издан чиқаради.

Фенасал препарати йирик ва майда шохли ҳайвонлар, парранда, балиқ ва одамларни цестодозларига қарши дегельминтизация ўтказишда кенг масштабда қўлланилиб келинмоқда. Ушбу препаратни терапевтик дозасини йўриқномада кўрсатилган меъёрга нисбатан 10 баравар миқдорда ошириб, йирик ва майда шохли ҳайвонларга берилганда улар-

нинг сийдигида оксил пайдо бўлиб, умумий ҳолати кониқарли эканлиги аниқланган. [1]

Ўтган асрнинг 60-70 йилларида собиқ иттифок даврида ичак цестодозларига қарши қўллаш учун фенасал препарати жуда батафсил ўрганила бошланди. Бунинг натижасида карпсимон балиқларни даволашда қўлланиладиган озука таркибида фенасал мавжуд бўлган гранула шаклидаги комбикорм ишлаб чиқарила бошлади. Бу препарат “циприноцестин” деб номланди. Бу озука билан балиқларни бир марта озиклантириши натижасида ботриоцефалиоз ва кавиозга экстенс самарадорлик 100% ни ташкил этган. Препаратни организмга ҳеч қандай салбий таъсири кузатилмаган. [4; 5]

Альбенни гранула шаклидаги терапевтик дозаси 0,20-0,25 г/кг икки марта 24 соат оралиқда берилганда терапевтик самарадорлиги 72,3% ташкил этган. [9] Гранула ҳолидаги альбен препаратини энг паст терапевтик дозаси 1 кг тирик масса ҳисобига 0,2 г/кг тирик вазнга икки марта 24 соат оралиқ билан беришни тавсия этишган. Препаратни карп балиқларига икки марта бериш, препарат таркибидаги таъсир қилувчи моддани карп балиқларининг ичагидаги цестодларнинг микдорий кўрсаткичларига ҳам боғлиқ. [7]

Тадқиқотнинг объекти мақсади. Каттакўрғон ва Пастдарғом туманларидаги айрим балиқчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари сув ҳавзаларида балиқлар цестодозларининг эпизоотологик ҳолатини ўрганиш ва айрим антгельминтик препаратларни синаб кўришдан иборат.

Материал ва методлар. Тажрибаларимиз Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон туманидаги «Сутхўр», Пастдарғом туманидаги «Пўлат балиқ ховузаси», Сардорбек ҳамда Хасан-Хусан, Бегали оилавий тадбикор балиқчилик хўжаликларидаги цестодлар билан зарарланган карп, оқ амур ва дунгпешона балиқларига монезол препаратининг грануласини қўллаб гельминтсизлантириш орқали амалга оширилди. Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг “зоопаразитология” ва “ОРТАТЕСН” кафедралараро лабораторияларида касалликка чалинган балиқларни органолептик, клиник текши-



риш, гельминтологик ёриш, ихтиопаразитологик, патологоанатомик ва микроскопик усулларида текширилди.

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. Тадқиқотлар юқорида қайд қилинган хўжаликлардаги цестодлар билан зарарланган карп, оқ амур ва дунгпешона турига оид балиқларда олиб борилди. Уларнинг клиник белгиларига асосан (қорни осилган, бели ингичка, жабралари анемия яъни консизланган) текширишдан ўтказилиб, ҳар бир тур балиқлардан тажриба гуруҳи (1-жадвал) учун 50 бошдан 3 гуруҳга, жами 150 бош, назорат (2-жадвал) гуруҳига эса 30 бошдан 3 та гуруҳга, жами 90 бош ажратиб олинди, бир хил шароитга эга бўлган ховузларда боқилди.

Тадқиқот олиб борилаётган хўжаликларда зарарланиш даражаси юқори бўлиб, ховузларни зоогигиеник талабларга жавоб бермаслиги, тўла қийматли озиклантирмаслик, ховузни балиқлар боқилаётган сув ҳавзаларини одамлар назоратидан йироқда, дарё бўйларида жойлашганлиги ва балиқхўр кушларни кўплиги, касалликка қарши профилактик тадбирларни режали равишда ўтказилмаганлиги сабабли ушбу гельминтозлар кенг тарқалиб бормокда.

Цестодоз қўзғатувчиларига монезолли грануласидан 1 ёшгача бўлган балиқ (сеголит) ларга 1кг тана вазнининг 8% микдорида (1кг тирик вазнга 0,34 мг таъсир этувчи модда тўғри келади), 3 ёш ва насли (5-6 ёшли) балиқларнинг 1кг тана вазнининг 6% микдорида (1кг тирик вазнга 0,25 мг таъсир этувчи модда тўғри келади) қўлладик. Бизнинг тажрибамиздаги балиқлар икки йиллик балиқлар бўлиб 1кг тана вазнининг 7% микдорида (1кг тирик вазнга 0,3 мг) таъсир этувчи модда қўлланилди. 14 кундан сўнг балиқлар қайта ихтиопаразитологик текширувдан ўтказилганда балиқларнинг барчаси 100% зарарсизланганлиги аниқланди (1-жадвал). Ҳар бир балиқ ўртача 1,5 кг вазни ташкил этди. 50 бош (75 кг) балиққа 5-5,5 кг даволовчи гранула берилди. Бу грануланинг афзаллиги шундаки, монезолни 1 мл ида 40 мг празеквантел ва 2 мг ивермектиндан иборат, витаминлар балиқлар иштаҳасини очади, кон



1-жадвал.

Цестодлар билан зарарланган балиқларга қарши қўлланилган монезол препаратининг самарадорлиги.

Балиқ тури	Текширилган балиқлар сони (бош)	Зарарланган балиқлар	Монезол препарати қўлланилгандан 14 кундан сўнг	
		Зарарланган (Сони)	Зарарланган (Сони)	%
Карп	50	50	0	100
Оқ амур	50	50	0	100
Дунгпешона	50	50	0	100
Жами	150	150	0	100

ва суяк унидан иборат бўлган даволовчи гранулини этхўр балиқларга ҳам бериш мумкин ва бу озуқа 15-20 дақиқагача сувга чўкмайди.

2-жадвал.

Назорат гуруҳидаги цестодлар билан зарарланган балиқлар.

Балиқ тури	Сони	Зарарланган балиқлар	14 кундан сўнг тузалгани	
		Сони	Сони	%
Карп	30	30	26	87
Оқ амур	30	30	9	30
Дунгпешона	30	30	11	37
Жами	90	90	46	51

Назоратга 30 бошдан ажратиб олинган жами 90 бош уч турдаги балиқларнинг 46 боши, яъни 51% и 14 кундан сўнг ихтиопаразитологик ёриб текширилганда зарарланганлиги, яъни 30 бош карп балиғининг 26 боши (87%), оқ амурнинг 9 боши (30%), дўнгпешона балиғининг 11 боши (37%) зарарланганлиги аниқланди ва айнан зарарланган балиқларда қўзғатувчилар топилди.

Хулосалар. 1. Таҳлил қилинган адабиёт маълумотларига кўра, балиқ цестодозларини даволаш ва профилактика қилишда асосий ўринни кимёпрофилактика эгаллайди.

2. Текширишларимиз натижаларига кўра балиқларнинг гельминтозлари ичида эпизоотологик жиҳатидан цестодозлар етакчи ўринни эгаллайди.



3. Балиқлар цестодозларига қарши қўлланилган озуқа, гранула шаклидаги монезол препарати 100 % антгельминтик самарадорликка эга эканлиги тажрибаларда исботланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Дорошина М.В. К изучению токсичности дихлорофена, битионола и фенасала // Бюл. Всес. ин-та гельминтол. им. акад. К.И. Скрябина, 1967. Вып. 1. с. 47-51.
2. Кузьмин А.А. Антгельминтики в ветеринарной медицине. - М.: Аквариум, 2001. - 144 с
3. Лысенко А.А., Христин В.А. Паразитарные болезни прудовых рыб: способы лечения и профилактики // Ветеринария Кубани, 2006. № 2. с. 23-24.
4. Музыковский А.М. Терапия и некоторые вопросы эпизоотологии при ботриоцефалезе карпов // Дисс. ... канд. вет.наук. М., 1970. - 185 с.
5. Музыковский А.М. Опыт применения фенасала при ботриоцефалезе карпов в прудовых хозяйствах // Бюл. Всес. ин-та гельминтол., 1972. вып. 8. с. 37-40.
6. Музыковский А.М., Сафонов Н.Н. Токсическое действие фенасала и девсрмина на рыб // Рыбное хозяйство, 1971. - № 6. с. 26-27.
7. Иванов А.А. Физиология рыб-Мир, 2003. 284 с.
8. Плотинская Л.В., Надыкто М.В. Изучение токсичности препарата с цестодоцидными свойствами // М., 1999. 10 с.
9. Ершов Т.А. Феномикс и альбен ганулы для терапии цестодозов рыб семейства карповых (cyprinidae) и их фармакотоксикологическая характеристика, Дис...канд. вет.наук. Москва. 2010. С. 39-42. "Московская государственная академия ветеринарной медицины и биотехнологии им К.И. Скрябина"
10. Gonnert R., Schraufstüttner E. Experimentale Untersuchungen mit N-(2'-chlor-4'-nitrophenyl)-5-chlor-salicylamid) einem neuen Bandwurm-mittel. 2 Mitteilung: Toxikologischen Untersuchungen Arzneimittel-Forschung. Aulendorf. - 1960 - 10, N 11. - P.881.
11. Stampa S., Terblanche H. Trials with Bayer 2353 and other drugs as cestocides for Ruminants. // The Journal of the South African Veterinary Medical Association. - Vol. XXXII. - 1961. - N 3. - P. 367-371.
12. Horak I.G., Clark R. Studies on paramphistomiasis. V. The pathological physiology of the acute disease in sheep. // Onderstepoort Journal of Veterinary Research. - 1963. - V. 30 (2). - P. 145-159.

УДК 619:636.7:615:633.88.

Қ.М. Бахритдинов, Р.М. Таштемиров,
Самарқанд ветеринария медицинаси институти

ИТЛАРДАГИ ТРАВМАТИК ДЕРМАТИТНИ ҚОНЧЎП МАЛҲАМИ ВА АУТОГЕМОТЕРАПИЯ УСУЛИ БИЛАН ДАВОЛАШ НАТИЖАЛАРИ

Аннотация

Препараты приготовленные из лечебных растений, особенно мазь из чистотела, хотя и обладают слабым действием, действуют эффективно на дерматитный процесс и не обладают побочным действием.

Калит сўзлар: дерматит, экзема, қончўп, паталогия, аутогемотерапия, токсик, полиэтиологик, иммунокоррекция, экссудация.

Summary

Preparations prepared of medical plants, especially ointment from cleaner though possess weak action, operate effectively on dermatitis process and do not possess collateral action.

Мавзунинг долзарблиги. Итларда тери касалликларидан кўпинча дерматит, экзема ва акнелар учрайди. Бу касалликларга чалинган итларни даволаш муаммоси айниқса долзарб бўлиб турибди, чунки улар полиэтиологик бўлиши ва комплекс терапияни талаб этиши сабабли диагностикаси ва даволаниши кийин кечади [2, 8].

Дерматитларни даволаш учун қўлланадиган синтетик препаратлар кўп ҳолларда токсик бўлиб, кийин бошқариладиган аутоиммун патологиялар ривожланишига олиб келиши мумкин [6, 10]. Ўсимлик ашёларидан олинадиган воситалар эса нисбатан кучсиз таъсир қилади, аммо улар организмга юмшоқроқ таъсир қилиб, асоратларни чақирмайди [1]. Бундай воситаларнинг истиқболли манбаларидан бири *Papaveracyeae* оиласига мансуб қончўп ўсимлигининг (*Chelidonium majus* L.) ер усти қисмидир. Қончўп қичишишга ва яллиғланишга қарши, эпителизацияни жадаллаштирувчи, анти-

микроб, фунгицид, оғрикни пасайтирувчи таъсирга эга, унинг ўсмааларга қарши таъсири эса алоҳида эътиборга лойиқдир [3, 5, 9].

Тери касалликларини даволашда иммунокоррекция муҳим ўрин тутати. Иммунокоррекциянинг самарали усули бўлиб эса аутогемотерапия хизмат қилади [4, 7].

Тадқиқот объекти ва услубиёти. Тадқиқотлар Самарқанд ветеринария медицинаси институтининг ветеринария профилактикаси ва даволаш факултети қошидаги жарроҳлик клиникасида олиб борилди.

Итлардаги дерматитларда қончўп ўсимлигидан тайёрланган препаратни ва иммунстатусни оширувчи аутогемотерапия усулининг даволовчи хоссаларини аниқлаш учун травматик дерматитга чалинган зотсиз 10 бош итлар ажратилди. Улар тажриба ва назорат гуруҳларига 5 бошдан киритилди.

Тажриба гуруҳи итлардаги дерматитли жараёнга 25 фоизли қон чўп малҳами билан ишлов берилди

Тажрибадаги дерматит билан касалланган итларнинг клиник кўрсаткичлари.

Клиник кўрсаткичлар ва уларнинг намоён бўлиш муддатлари	
25%ли қончўп малҳами	25%ли қончўп малҳами ва аутогемотерапия усули
Қичишиш 1–3 кунларда йўқолди	Қичишиш 1–2 кунларда йўқолди
Гиперемия 3–4 чи кунда йўқолди	Гиперемия 2–3 чи кунда йўқолди
Терининг шишиши 3–5 кунларда пасайди	Терининг шишиши 2 кунда пасайди
Экссудация 4–5 чи кунда йўқолди	Экссудация 3 чи кунда йўқолди
Жун қопламаси 9–10 кунларда тиклана бошлади	Жун қопламаси 7–8 кунларда тиклана бошлади
Клиник тузалиш белгилари 10–15 чи кунларда намоён бўлди	Клиник тузалиш белгилари 8–10 чи кунларда намоён бўлди

ва аутогемотерапия усули қўлланди. Назорат гуруҳи ҳайвонларда дерматитли жараёнга 25 фоизли қон чўп малҳами билан ишлов берилди. Итларнинг соғайиши ҳайвоннинг умумий аҳволи, маҳаллий кўрсаткичлар ва гистологик текширишлар натижалари бўйича аниқланди.

Малҳам терининг зарарланган жойларига шпател билан нозик қилиб ҳар икки кунда бир марта сурилди. Аутогемотерапия усулини қўллашда касалитнинг венасидан олинган қон 10:1 нисбатда 5% натрий цитрат эритмаси билан стабилизация қилинди ва мускул орасига, ҳайвоннинг катта-кичиклигига қараб, биринчи инъекцияда – 3–5 мл, иккинчисидан – 8–10 мл, учинчисидан – 12–15 мл, тўртинчи инъекцияда – 8–10 мл, бешинчисидан – 3–5 мл микдорда ҳар икки кунда бир марта юборилди.

Тадқиқот натижалари. Итларни қончўп билан даволашда терида иккиламчи кўзғалишлар ва қуйиш аломатлари кузатилмади.

Дерматит билан касалланган итларни даволашда жараёнга 25 фоизли қончўп малҳами билан ишлов бериш ва аутогемотерапия усулини қўллаш (тажриба гуруҳи) фақат 25 фоизли қон чўп малҳами билан ишлов бериш (назорат гуруҳи) нисбатан юқориқот терапевтик самарага эга эканлигини кўрсатди. 25 фоизли малҳам ва аутогемотерапия усули билан даволашнинг биринчи кунларидан бошлаб касал ҳайвонлардаги клиник ҳолат кўрсаткичларининг яхшиланиши кузатилди. Масалан, қичишиш аломатлари касалликнинг 1–2 кунларидан йўқола бошлади, терининг гиперемияси 2–3 кунларда йўқолди, дерматит ўчоғидаги экссудация 3 кундан сўнг тўхтади ва тери шиши 2- кундан бошлаб пасая бошлади. 7–8 кунлардан сўнг терининг жун қопламаси тиклана бошлади. Умуман олганда, 25 фоизли қончўп малҳами ва аутогемотерапия усули билан даволанган итларда назорат гуруҳидаги итларга нисбатан клиник ҳолатдаги ижобий ўзгаришлар ўртача 2–5 кунлар аввал бошланди.

Травматик дерматитларни даволаш бўйича ўтказилган тадқиқотларнинг натижалари кўрсатишича, қончўпдан ишлаб чиқилган дори воситаси ва аутогемотерапия усули бу жараённи 8–10 кунларда бартараф этишга имкон яратади ва тузалиш муддати 2–5 кунга қисқартиради.

Хулосалар.

1. Қончўп ўсимлигидан ишлаб чиқилган 25 фоизли малҳам яллиғланишга қарши, эпителизацияни

жадаллаштирувчи, антимикроб, оғриқни пасайтирувчи таъсирга эга.

2. Травматик дерматитли жараённи самарали даволаш учун 25 фоизли қончўп малҳами билан ишлов берилганда ва аутогемотерапия усули қўлланганда яхши натижалар кузатилди.

3. Итлардаги травматик дерматитларни даволаш учун 25 фоизли қончўп малҳами ва аутогемотерапия усули қўлланганда ҳайвонлардаги дастлабки тузалиш белгилари ўртача 7–8 кунларда кузатилди, фақат 25 фоизли қончўп малҳами қўлланганда эса бу жараён 10–15 кунлар давом этди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Авакьянц Б.М. Лекарственные растения в ветеринарной медицине. М.: Аквариум ЛТД, 2001.
2. Валеева А.Н. Диагностика и лечение экзем и дерматитов у собак (клинико-лабораторные исследования): автореф. дис. канд. вет. наук / А.Н. Валеева. Казань, 2000. 22с.
3. Гадзаонов С. Г. Лечение инфицированных ран у собак и крупного рогатого скота с использованием препаратов чистотела на фоне физиотерапии. // Владельцавказ, 2009. 150 с.
4. Гордиенко, Л.Н. Этиологическая структура дерматитов у мелких домашних животных в условиях Сибири / Гордиенко Л.Н. // Материалы 8 международного конгресса по проблемам ветеринарной медицины мелких домашних животных 6–8 апреля 2000г. М., 2000. С. 86–87.
5. Жоголев Д.Т., Галин Л.Л., Добросердова И.И. Дикорастущие растения и грибы в медицине и кулинарии. М., Воениздат, 1994 – 448 с
6. Золотарева Н.А. Иммунодефициты и борьба с ними. Ж. Вет. консулт., № 16, 2003, С. 3.
7. Лукьяновский, В.А. Болезни кожи и подкожной клетчатки у собак / Лукьяновский В.А. // Ветеринария. 1995. № 3. С. 47 – 55.
8. Мельник Т.В. Особенности экзематозного процесса у собак разных пород: автореф. дис. канд. вет. наук / Т.В. Мельник. СПб., 2002. 20 с.
9. Соколов С.Я., Замотаев И. П. Справочник по лекарственным растениям: Фитотерапия. М., 1993. 464 с.
10. Чомаев Х. П. Клинико–лабораторная оценка биологически активных соединений лекарственного средства чистотела большого. // Автореф. дисс. канд. вет. наук. Саратов. 2010.

УДК.577.4:636.2:577.1

Умаров Ахрор Махсutowич, таянч докторант,
Салимов Юнус, в.ф.д, илмий раҳбар,
Самарқанд ветеринария медицинаси институти

ЗАРАРЛИ САНОАТ ЧИҚИНДИЛАРИ ТАЪСИРИДА БЎЛГАН ЙИРИК ШОХЛИ МОЛЛАР ҚОНИНИНГ БИОКИМЁВИЙ ВА ИММУНОЛОГИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Аннотация

В статье определены изменения, происходящие в биохимических и иммунологических показателей крови крупного рогатого скота, пострадавшего от вредных выбросов алюминиевого завода Таджикистана. Основные изменения произошли в количестве эритроцитов в крови и альбумина в белке, а также снижение активности сывороточных трансаминаз. Было выявлено значительное увеличение лейкоцитов, глобулина и метгемоглобулина, а также увеличение активности ацетилхолинэстеразы. Иммунологические показатели у экспериментальных животных определили некоторые нарушения в тканевой и гуморальной активности иммунной системы.

Калит сўзлар: флюороз, биокимёвий, иммунологик, эритроцит, лейкоцит, гемоглобин, метгемоглобин, Т-лимфоцит, В-лимфоцит, АсАТ, АлАТ, альбумин, глобулин.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2017-2021 йилларда Республикада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси”да қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш, жумладан, таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш асосида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни муттасил ошириб бориш, мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш режалаштирилган.

Мавжуд экологик ва техноген омиллар таъсири натижасида маҳсулдор ҳайвонлар ва паррандалар организида кузатиладиган патологик жараёнларни аниқлаш, олдини олиш ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш асосий муаммолардан бири бўлиб, бугунги кунда долзарб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади. Тожикистон алюмин заводи зарарли чиқиндилари таъсирида бўлган йирик шохли моллар қони таркибида юзага келадиган биокимёвий ҳамда иммунологик кўрсаткичларидаги ўзгаришларни аниқлашдан иборатдир.

Тадқиқотнинг материал ва услублари. Тадқиқотларда Тожикистон алюмин заводининг зарарли чиқиндилари таъсирида бўлган Денов туманидаги чорвачилик ва паррандачилик фермер хўжалигига қарашли 2,5-3. ёшли, 10 бош йирик шохли моллардан фойдаланилди.

Annotation

In this article, as a consequence of harmful waste materials of the Tajikistan Aluminum factory the changes on the cattus blood biochemigal and immunologic system were clarified. Specific changes were seen in the nsement of the blood erythrocyte, the activeness of the aminotransferase on the serum and the decrease on the quantity of albumen on the component of the protein. Moreover, the research provides with such datas the incuase on the number of leokycete, globyren, methemoglobyn and athetilcolynestrase. By the experience on the animals, it was clarified that, there were some destroyings on the indices of cellular and humoral immunity.

Тажрибадаги ҳайвонлар қони таркибидаги биокимёвий кўрсаткичлар Г.В. Дервиз ва Б.Н. Поляковлар томонидан, иммунологик кўрсаткичлар эса Г.Ф.Коромислов ва бошқалар томонидан тавсия этилган усуллар ёрдамида аниқланди.

Тадқиқот натижалари таҳлили. Тожикистон алюмин заводининг зарарли чиқиндилари таъсирида бўлган тажрибадаги ҳайвонларда ўтказилган дастлабки клиник текширишларимизда, ушбу ҳайвонлар орасида флюороз касаллигининг бошланғич белгиларини намоён бўлаётганлигига гувоҳ бўлдик. Асосий белгиларидан қорамолларнинг кесувчи тишлари эмал қатламида донадор, сарғишсимон жигар рангдаги доғларнинг пайдо бўлганлигидир.

Маълумки, флюороз касаллиги ҳайвонлар организида асосан ферментлар тизимида, минерал, углевод ҳамда оксиллар алмашинувида бузилишлари ва шу билан биргаликда жигар фаолиятида жароҳатларни содир қилган ҳолда юзага келади. Натижада ҳайвонлар қонининг таркибий ҳамда иммунологик кўрсаткичларида ҳам ўзгаришлар содир бўлади.

Шунга мувофиқ тажрибадаги ҳайвонларда гематологик текширишлар ўтказилди ва унинг натижалари 1-жадвалда келтирилган.

Худуддаги қорамоллар қони таркибидаги эритроцитлар сонини, зардобдаги трансаминазалар фаолигини ҳамда оксил таркибидаги альбумин микдорини пасайганлигига, лейкоцитлар ва глобулинлар ҳамда метгемоглобин микдорларини сезиларли равишда юқори

бўлганлигига ва шунингдек ацетилхолинэстераза фаоллигини ошганлигига ҳам гувоҳ бўлдик.

1-жадвал.

Тажрибадаги қорамоллар қонининг морфобиокимёвий кўрсаткичлари.

Кўрсаткичлар	Статистик кўрсаткичлар	
	M±m	%
Эритроцитлар, 10 ¹² /л	6.10±0.19	95
Лейкоцитлар, 10 ⁹ /л	14.40±3.72	148
Гемоглобин, г/л	148.8±6.1	106
Метгемоглобин, %	21.9±5.0	209
Ацетилхолинэстераза фаоллиги, ммоль/мл/дақиқа	1.79±0.12	166
Ас АТ фаоллиги, ммоль / соат.литр	0.86±0.04	54
АлАТ фаоллиги, ммоль/соат.литр	1.44±0.20	70
Умумий оксил, г%	7.90±0.23	101
Альбуминлар, г%	2.60±0.25	87
Глобулинлар, г%	2.91±0.11	116
Ҳайвонлар бош сони	5±5	5

Юқорида кўрсатиб ўтилган қондаги бундай ўзгаришлар, ҳайвонларда анемия ҳолатини, жигар фаолиятида эса жароҳатланишлар содир бўлаётганлигини билдиради. Яқунда эса бу ўзгаришлар организмда углеводлар ва оксиллар алмашинувида турли бузилишларни содир бўлишига олиб келади.

Тажрибадаги ҳайвонлар организми иммун тизимидаги ўзгаришларни аниқлаш мақсадида ҳам тадқиқотлар ўтказдик.

2-жадвал.

Тажрибадаги қорамоллар қонининг иммунологик кўрсаткичлари.

Имунологик кўрсаткичлар	Статистик кўрсаткичлар	
	M±m	%
Т-лимфоцитлар (нис, %)	44.4±1.8	88
Т-лимфоцитлар (мут, 10 ⁹ /л)	4.11±0.72	91
В-лимфоцитлар (нис, %)	30.1±2.98	138
В-лимфоцитлар (мут, 10 ⁹ /л)	1.17±0.14	78
Нейтрофилларни фагоцитар фаоллиги (НСТ-тест, %)	7.2±1.2	58
Ҳайвонлар бош сони	5±5	5

Ҳайвонлар қонидаги иммунологик кўрсаткичларнинг ўзгариши тўқима ва гуморал иммун тизими фаолиятида баъзи бир бузилишлар содир бўлганлигини кўрсатди. Хусусан, Т-лимфоцитларнинг нисбий ва мутлоқ ҳамда В-лимфоцитларнинг мутлоқ кўрсаткичларида содир

бўлган ўзгаришлар ва шунингдек нейтрофилларни фагоцитар фаоллигидаги пасайишлар, В-лимфоцитларнинг нисбий кўрсаткичларида эса кўтарилишлар содир бўлиши, организм умумий резистентлиги пасайганлигини билдириб, натижада бундай ҳайвонлар организмда турли юқумли ва инвазион касалликларга нисбатан берилувчанлигининг ошишига олиб келади.

Хулосалар.

1.Тожикистон алюмин заводининг зарарли чиқиндилари таъсирида бўлган қорамоллар қони кўрсаткичларида кузатилган ўзгаришлар ушбу ҳайвонлар организмда анемия ҳолатини ҳамда жигар фаолиятида жароҳатлар содир бўлишини билдиради. Натижада эса бундай ҳайвонлар организмда углеводлар ҳамда оксиллар алмашинувида бузилишлар содир бўлишига олиб келади

2.Тажрибадаги ҳайвонларнинг иммунологик кўрсаткичларида кузатилган бузилишлар, ҳайвонлар организмдаги умумий резистентликни пасайтиради ва бунинг оқибатида уларни юқумли ва инвазион касалликларга нисбатан берилувчанлигини ошишига сабаб бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- Искандарова Ш.Т. Районирование территории Республики Узбекистан по степени опасности для здоровья. Ташкент, 1997. 128. С.
- Коромыслов Г.Ф., Солодовников В.А. “Определение популяций лимфоцитов крови крупного рогатого скота методом розеткообразования” Методические рекомендации по биохимическим методом исследований клеток, их компонентов других биологических субстратов. Москва, 1980. С.18-34
- Мондрик Ф.И., Данков И.В. Методические указания по диагностике флюроза крупного рогатого скота и определение фтора в воде и биологическом материале. Кишинёв, 1979, 18 с.
- Рахмонов А.Ж Сурхондарё вилояти транс чегаравий ҳудудларидаги экологик вазиятни, кишлоқ хўжалик ҳайвонлари қонининг биокимёвий кўрсаткичларига таъсири. Чорвачилик ҳамда ветеринария фани ютуқлари ва истикболлари. Республика илмий-амалий конференцияси. Самарқанд, 2010 й. 82-85 б.
- Рахмонов А.Ж Техноген омиллар таъсиридаги ҳудудий касалликларнинг симптоматикаси. Ветеринария ҳамда чорвачилик илми ва амалиётининг долзарб вазифалари мавзусидаги илмий анжуман. Самарқанд. 6 декабр, 2013й., 58-59 б.
- Хаитов В.Р., Салимов Ю. ва б. Кимёвий воситалар таъсиридан, ҳайвонлар организмда юзага келадиган иммун етишмовчиликларни олдини олиш ва даволаш бўйича тавсиянома. Самарқанд. 2018 й.
- Салимов Ю., Хаитов В.Р. ва б. Пестицидлар ва бошқа кимёвий токсикотлар таъсиридан, ҳайвонлар кўпайиш органларида содир бўлаётган патологиялар ва уларни олдини олиш чоралари бўйича тавсиянома. Самарқанд. 2019 й.

КОЗОН ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ АКАДЕМИЯСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Мутахассисларни хорижда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан ривожланган давлатларнинг олий таълим ва илм-фан йўналишида ҳамкорлик қилиш мақсадида эълон қилинган танловда иштирок этиб “Стажировка” дастури бўйича грант ютган 27 нафар Тошкент давлат аграр университети профессор-ўқитувчиларидан доцент Ғ.А.Менглиев ва катта ўқитувчи Б.Ф. Ўлмасовлар Россия Федерациясининг Қозон давлат ветеринария медицинаси академиясида малакаларини ошириб келишди.

Мазкур академия 1873 йилда ташкил этилган бўлиб, Россия Федерациясидаги жуда катта илмий салоҳиятга эга бўлган олий таълим муассасаларидан бири ҳисобланади.

Академияда Бразилия, Вьетнам, Исроил, Бенин, Камерун, Конго, Кения, Чад Республикаси, Нигерия, Македония, Марокко қироллиги, Афғонистон, Туркманистон, Тожикистон, Озарбойжон, Қозоғистон, Белоруссия ва Ўзбекистондан келган 200 га яқин хорижий талабалар таълим олишмоқда. Хорижий талабалар учун алоҳида гуруҳлар ташкил этилган бўлиб, ўқишнинг биринчи йили асосан тил ўрганиш бўйича алоҳида дастур асосида дарслар ташкил этилади, кейинги йилдан бошлаб эса мутахассислик бўйича таълим берилади.

Академия профессор-ўқитувчилари билан ташкил этилган учрашув ва илмий ҳамкорлик борасида ташкил этилган йиғилишда иштирок этиб олий таълим муассасасининг профессор-ўқитувчилари билан танишдик. Бу ерда бизни халқаро алоқалар бўлими бошлиғи Гюльчехра Файзуллаева академиянинг сиртки ва қўшимча таълим ҳамда малака ошириш факультети декани, профессор Муллакаев Оразали Турманович билан таништирди. Оразали Турманович бизни академияда халқаро алоқалар ва малка ошириш ва стажировка курсларида олиб бориладиган ишлар билан таништириб ўтди.

Шундан сўнг ветеринария медицинаси факультети декани, эпизоотология ва паразитология кафедраси мудири, доцент Дамир Наилович Мингалеев факультетда олиб борилаётган ишлар ўқув жараёнини ташкил этиш ва дарс олиб бориш усуллари билан таништирди. Маъруза дарслари оқимли бўлиб ҳар бир оқимда 40-80 тагача талабани ташкил этса, амалий дарслар гуруҳли усулда, лаборатория дарслари эса битта гуруҳни иккига бўлинган ҳолда олиб борилад

экан. Бунда битта гуруҳда узоғи билан 20 нафар талаба бўлиб, лаборатория дарсларида талабалар кичик гуруҳларга бўлинганда 10 нафардан ошмас экан.

Минсагит Хайрулович Лутфуллиннинг паразитология фанидан 4-босқич талабаларига ўтган маъруза дарсида иштирок этдик. Дарсни олиб бориш технологияси, замонавий педагогик усуллардан фойдаланиш бўйича малакаларини таҳлил қилдик.

Академиянинг инфекцион ва инвазион касалликлар кафедраси, яъни “Эпизоотология ва парази



тология” кафедрасида бўлиб кафедрада профессор-ўқитувчиларнинг олиб бораётган илмий-тадқиқот ишлари билан танишдик. Бунда илмий-тадқиқот ишлар инфекцион касалликлар, яъни йирик шохли ҳайвонлар лейкози, сил (туберкулез) касалликлари ва қайтарувчи ҳайвонларнинг инвазион касалликларига бағишланган бўлиб, тадқиқотлар академиянинг битирувчи талабалари билан биргаликда ҳудудлардаги хўжаликларда олиб борилад экан. Тажрибалар талабалар билан ҳамкорликда олиб борилаётганлиги ва бу ишларнинг натижаларидан талабалар битирув маънавий ишларини ҳимоя қилишда фойдаланаётгани ибратлидир.

Академиянинг хирургия кафедрасида бўлиб у ерда олиб борилаётган дарсларда иштирок этдик, дарс жараёнини таҳлил қилдик.

Микробиология кафедрасида бўлганимизда кафедра мудири, профессор Альберт Камилович Галиуллин микробиология фанидан олиб борилаётган амалий ва лаборатория ишлари билан таништирди. Доцент Айгул Юсупованинг дарсида иштирок этиб, ҳайвонларнинг пастереллез, хламидиоз ва орнитоз касалликларини замонавий диагностик усуллардан фойдаланган ҳолда аниқлашганини кузатдик. Микробиология лабораториясида микробларни ўрганиш имитация усулида олиб

борилади. Бунда озук муҳитларига фараз қилинган касаллик микроби экилиб, маълум муддат ўтганидан кейин ушбу культури текшириб кўрилади ва уларнинг озук муҳитларида кўпайиши ўрганилади. Шу асосда касалликка диагноз қўйиш усуллари ишлаб чиқилади.

Амалий дарслар, амалиёт ва лаборатория дарслари алоҳида хоналарда олиб борилиб, профессор-ўқитувчилар томонидан талабаларга дарс бўйича топшириқномалар берилади. Дарс давомида талабалар берилган топшириқларни бажаришади ва ҳайвонларнинг касалликларига диагноз қўйиш ишларини амалга оширишади.

Академия қошида ташкил этилган ветеринария клиникасида шаҳар аҳолиси томонидан олиб келинадиган уй ҳайвонлари ҳам даволанади. Бу жараёнда талабалар фаол иштирок этишади, малака оширади. Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, талабаларнинг амалиёт дарслари олдиндан тузилган жадваллар асосида бажарилади.

Академиянинг профессор-ўқитувчилари томонидан олиб борилаётган илмий ишлари билан танишиб ўз тажрибаларимиз билан ўртоқлашдик ва улар билан ҳамкорликда илмий мақолалар тайёрладик ҳамда илмий мақолаларимизни Ўзбекистоннинг илмий журналларида чоп этиш учун олиб келдик.

Академиянинг илмий кутубхонасида бўлганимизда илмий бўлим мудри Чўлпон Ахметова бизни бўлимда олиб борилаётган ишлар билан таништириб чиқди. Бу ерда академиянинг профессор ўқитувчилари томонидан тайёрланган илмий маълумотлар йиғилиб академиянинг илмий кенгашида муҳокама қилиниши учун тайёрланади ва муҳокамадан ўтганидан кейин чоп



этиш учун тавсия этилади. Профессор ўқитувчилар томонидан тайёрланган илмий мақолалар ҳам илмий бўлим орқали чоп этишга тавсия этилади.

Бўлимда илмий кутубхона ҳам фаолият кўрсатиб келади. Бунда кутубхонадаги мавжуд адабиётлар ва илмий мақолалар ҳамда диссертация ишлари билан танишиш имкониятлари мавжуд бўлиб буларнинг рўйхати компьютер рўйхатига киритилган. Кутубхонада барча маълумотлар билан танишиш имконияти мавжуд. Шу билан бир қаторда кутубхонадаги ташкил этилган компьютерга яъни ўқиш залида ҳар бир ташриф буюрувчи киши (талаба, профессор-ўқитувчи ёки академияга ташриф буюрган меҳмон) электрон адабиётлар билан танишиши мумкин.

Академияда таълим олаётган ёш ватандошларимиз билан учрашувлар ташкил этдик. Академияда бугунги кунда Ўзбекистондан 12 нафар талаба таълим олишмоқда. Улардан беш нафари ветеринария даволаш ва профилактика, икки киши қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, беш киши ветеринария санитарияси ва ветеринария фармокологияси йўналишларида таълим олишмоқда.

Келажакда ветеринария йўналишида талабаларни ўқитиш ҳамда ишлаб чиқариш амалиётни ҳамкорликда ташкил этиш, илмий ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, талабалар алмашиш ва академик мобиллик борасида россиялик ҳамкасбларимиз билан келишиб олдик. Муҳими академия тажрибаси таълим-тарбия жараёнида бизга катта ёрдам беради.

*Менглиев Ғайрат Акрамович,
Адилов Санжар Анварович,
Ўлмасов Ботир Фарход ўғли,
ТошДАУ*

ЧОРВАДОРЛАРНИНГ ЯҚИН ДЎСТИ

-Шу касбни танлаганимдан, одамларга нафим тегаётгани, чорва ортидан кўпчиликнинг рўзғори обод бўлаётгани ва бунда мен каби ветврачларнинг ҳам хиссаси катта эканлигидан бахтиёрман,- дейди шу йил 2 феврал куни олтмиш баҳорни қаршилаган Беруний туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Маҳмуд оға Аvezов.- Болалигимдан чорвага қизиққанман, чиройли кўзичок, янги туғилган бузоқ юрагимга бир олам қувонч олиб келган. Эсимда бир гал мактабдан қайтгач отамни ишхонасига фермага борганим. Ўшанда кечагина ўладиган ҳолатда ётган жониворни ветврач оғамиз ярим соатлар ичида укол қилиб турғизиб юборган ва буни кўриб унга чин дилдан раҳмат айтганман. Ана шунда мен ҳам сизга ўхшаб дўхтир бўлсам бўладими, деганман.Албатта, фақат яхши ўқишнинг керак, деди у. Худди шу даъват ва раҳматли отам Абдулла Аvezовнинг дуоси билан Самарқандда, институтда ўқидим, ветеринария факультетини тугатгач, бир пайтлар отам зоотехник, онам соғувчилик қилган фермага ишга келдим.

Маҳмуд оға ёш мутахассис сифатида ўзини аямади, киш чилласида, касал моллар кўпайган маҳалларда туну кун фермада жониворларга кўз кулоқ бўлди,тажрибали ветврачлардан билмаганини сўраб ўрганди ҳам. Шу тарика у малакали мутахассисга айланди. Сўнг Беруний овулидаги энг пазанда ва оқила қиз Тозагул Юсупова билан оила қуриб уч киз ва бир ўғилни вояга етказди, элга кўшди. Бугун Маҳмуд оғанинг фарзандлари ҳаётда ўз ўрнини топиб, она-онаси каби ҳалол меҳнат ортидан рўзғор тебратмоқда. Ҳар гал Аvezовлар бир жойга йиғилганда бир-биридан ширин набиралар бобосини саволга кўмиб ташлайди. Бу саволлар шунчалик ранг-баранг, кўпки Маҳмуд оға уларнинг қай бирига жавоб беришни билмай шошади, болакайлар орасида чорвага меҳр қўйгани, ветврач бўлишни истаётганлари кўплигини юракдан ҳис этиб завқланади. “Авлодимиз

чорвадор бўлган, шу баракали касбдан узоқлашиб бўларканми,” дейди кўзлари намланиб.

Маҳмуд оға Президентимиз ташаббуслари билан Қорақалпоғистондаги тўртта туманнинг чорвачилик туманларига айлантирилгани, одамларнинг яхши яшашлари учун барча шарт-шароитлар яратилиб берилаётганини тўлқинланиб сўзлади.Унинг эътирофи этишича, 12 феврал куни Нукус шаҳрида илк бор чорвадорларнинг халқаро кўргазмаси ташкил этилиб, унда чорвачилик тараққий этган Европанинг ўн бешдан ортик компания ва фирмалари ўз техника ва технологияларини намойиш этишди.Бу ҳам давлатимиз раҳбарининг мамлакат парламентига йўллаган Мурожаатларига ҳамоҳанг равишда Қорақалпоғистонда ветеринария ва чорвачиликни ривожлантиришга катта туртки беради.

-Бугун Президентимиз келажакни кўзлаб улкан ишларга қўл урмоқда. СамВМИнинг Нукус филиали ташкил этилгани, Нукусда янги олий даргоҳлар пайдо бўлаётгани, олий таълимга квоталарнинг ошгани, иктидорли талабаларнинг дунёдаги энг номдор университетларга давлат маблағи эвазига юборилаётгани қувончли ҳолатдир. Шу боис шогирдлару набираларимга фақат яхши ўқинглар, илмли киши қаерда бўлмасин албатта кадр топади дейман.Айни чоғда эса ҳамкасблар билан туманимиздаги эпизотик барқарорликни таъминлаш мақсадида ҳар бир хонадондаги жониворларни кўздан кечириб, эмлаш ишларини намунали ташкил этаяпмиз,- дейди Маҳмуд оға Аvezов.

Сардорбек

БАРЧАГА ЎРНАК МУТАХАССИС



Қизирқ туманидаги “Са-рик шаҳарча”ветучасткаси мудири Маҳмуд Туроповнинг ветеринария соҳасида ишлаётганига 44 йилдан ошди.Шогирдлари мингдан зиёд.

У 1976 йил Термиз қишлоқ хўжалиги техникумига ўқишга кирган пайтлар ёшгина йигитча эди. Яккабоғнинг қўйчиликда донг таратган қишлоғида туғилиб ўсган, чорва деса ўзини томдан ташлайдиган боланинг узоқ йўл босиб ўқишга келгани устозлар эътиборини тортди,яхши ўқисанг, кадр топасан, дейишди.Шундай бўлди ҳам, аммо техникумдаги уч йиллик ўқиш, амалиёт дарслари ҳар қанча завқли, қизикарли бўлмасин бирпасда ўтиб кетди. Ўқишни битирган Маҳмуд Туропов Бойсун туманидаги йирик чорвачилик фермасига веттехник бўлиб ишга кирди. Худди шу ерда у мутахассис сифатида тобланди. Сўнг ўша пайтлар жуда машҳур

саналган олийгоҳ – Ленинград ветеринария институтига ўқишга кирди, таълимни ишлаб чиқариш жараёни билан бақамти олиб борди ва қунт билан рус тилини ҳам, ветеринария илмини ҳам пухта ўзлаштирди. Билимдонлик ва камтарлик туфайли у республика ветеринария бош бошқармасида етакчи мутахассис, Сурхондарё вилоят ветеринария бошқармаси бошлиғи лавозимларида ишлаш, жамоа орасида ҳурмату эътибор қозониш бахтига сазовор бўлди. Айни пайтда ҳам у жанговор сафда, кўмита раҳбари томонидан белгиланган муҳим этизотик тадбир – “Зарбдор 70 кунлик”да барчага ўрнак бўлиб меҳнат қилмоқда. Шу ойнинг 1 куни қаҳрамонимиз 60 ёшни қаршилади ва барча ҳамкасблар, шогирдлару узоқ яқиндан келган дўстлар Маҳмуд акани самимий табриклашди. “Шижоатингиз асло сўнмасин, ёшларга ўрнак бўлиб, ветеринария тараққиётига муносиб ҳисса қўшаверинг”, дейишди. Бу эзгу тилаклар албатта Маҳмуд Туроповни янада илҳомлантиради.

Рашид Чориев,

Қизирқ туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи

МАКТАБ ЯРАТГАН ОЛИМ ЭДИЛАР



Таниқли олим, профессор, бағридарё устоз Абдусаттор Қахаров иқтидорли ёшлар истикболи учун астойдил қайғурадиган самимий инсон эдилар. У кечагина институтга келган, шогирдлари билан узок суҳбатлашиб, уларнинг илмий изланишлари билан кизиққан, жўяли маслаҳатлар берган эди. Бугун эса у орамизда йўқ. Кўзларидан нур ёғилиб турадиган устозимиздан ширин хотиралар қолди.

Институтни аъло баҳоларга тугатган Абдусаттор Қахаров тайёрлов бўлими бошлиғи, кафедра доценти, профессори, кафедра мудири, декан каби масъулиятли вазифаларни шараф билан виждонан бажарди.

Хизматчи оиласидан чиққан инсон сермашаққат йўлни босиб дунёнинг илм соҳасидаги етук дарғалари академик Ш.А.Акмалхонов, профессорлар Р.Хайитов, С.З.Жалилов, Н.О.Мавлонов, З.Туракулов, П.Собиров, У.Н.Носиров сингари олимлар эътиборига тушади. Уларнинг берган йўриқлари асосида кейинроқ у нафақат республикамизда, балки МДХ олимлари орасида чорвачилик соҳасида йирик мактаб яратган етук олимлардан бирига айланди.

Абдусаттор Қахаров “Ўзбекистоннинг яхшиланган қорамолларини маданий зотлар билан чаптиштириш натижасида олинган дурагайлари гўшт маҳсулдорлиги ва айрим биологик хусусиятлари”

мавзусида тадқиқотлар олиб бориб, 1981 йили Москвада номзодлик диссертациясини, 1994 йилда “Ўзбекистоннинг жанубий ҳудуди шароитида ҳар хил маҳсулдорлик йўналишдаги қорамол зотлари ва уларнинг дурагайларидан гўшт ишлаб чиқариш учун фойдаланишнинг самарадорлиги” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилади. Профессор А.Қахаров бир қатор ёш олимларнинг илмий-тадқиқот ишларига бевосита илмий раҳбарликни амалга оширган.

Профессор Абдусаттор Қахаров турли экологик ва табиий иқлим шароитида урчитилаётган қорамолларнинг гўшт ва сут маҳсулдорлиги бўйича генетик потенциалини тўлиқ юзага чиқаришда, селекция усуллардан самарали фойдаланган ҳолда тадқиқотлар олиб боришда фаоллик кўрсатди.

Профессор Абдусаттор Қахаров кафедранинг профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорлигида 4 та илмий лойиҳага раҳбарлик қилган ва уни бажаришда фаол қатнашган. Лойиҳанинг 2 таси Сурхондарё вилоятининг шимолий туманлари - Тожикистон Республикасининг алюмин заводидан азият чекаётган Денов, Сариосиё ва Узун туманларида амалга оширилган.

Устоз дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг янги авлодини яратишда салмоқли хисса қўшдилар, “Чорва молларини урчитишдан амалий машғулотлар”, “Генетикадан амалий машғулотлар”, “Чорва молларини урчитиш”, “Генетика ва биотехнология асослари”, “Дунё қорамол зотлари”, “Қишлоқ ҳўжалик ҳайвонларини урчитиш”, “Хусусий генетика”, “Генетика” каби дарслик ўқув қўлланма, рисола ва монографияларга муаллиф ва ҳаммуаллифлик қилганлар.

Устоз турмуш ўртоғи Бибидур янгамиз билан биргаликда 4 нафар фарзандларни олий маълумотли қилиб тарбиялаган эдилар.

Мўътабар инсон, етук олим, чорвачилик илмининг билимдони Абдусаттор Қахаров руҳан доимо биз билан бирга, у бошлаб берган улғувор, хайрли ишлар, изланишлар албатта изчил давом этади. Чунки унинг ўзи каби садоқатли шогирдлари жуда кўп.

Таҳририят

